ЎзССР Давлат китоб палатаси
311094
Давлат нашриёт палатасининг

Илм — ўзни билмакдир

МАЪРИФАТ

MARIFAT

معرفت

Халқ зиёлилари газетаси | *1931 йилдан чиқа бошлаган* | **1994 йил 19 октябрь, чоршанба** | Баҳоси қотувда эркин нархда. 48 (6636)

БУЮК УЛУҒБЕК ВОРИСЛАРИМИЗ

15 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов беназир олим ва давлат арбоби, буюк бобокалонимиз Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллик тантаналарида қатнашиш учун замин сайқали Самарқандга ташриф буюрди.

Муқаддас тупроқдаги тадбирлар улуғ мунажжим барпо этган расадхонани кўздан кечириш билан бошланди. Бобокалонимиз қутлуғ тўйи арафасида бу қадамжо янада обод қилинди ва таъмирланди. Ислом Каримов расадхона ва унинг қошида ташкил этилган музейга ташриф буюрди. Халқимиз донғини жаҳонга танитган Мирзо Улуғбек мактаби ҳақида ҳикоя қилувчи музей экспонатлари билан танишар экан, уни янада бойитиш хусусида қимматли таклифлар билдирди.

Президент Ислом Каримов расадхона ёнидаги Мирзо Улуғбек ҳайкали пойига гуллар қўйди.

Албатта, миллатимиз фахри — Улуғбекнинг камолини буюк соҳибқирон Амир Темур яратган улкан маданий ва ижодий муҳитсиз тасаввур этиш мушкул. Президентимиз Ислом Каримов шу боис улуғ Амир Темур Кўрагон зиёратгоҳига йўл олди. Ўзбекистон Президенти ушбу муқаддас қадамжони зиёрат қилар экан, уни янада обод этиш юзасидан кўрсатмалар берди.

Мирзо Улуғбек донишманд султон сифатида халқ учун фойдали бўлган кўп хайрли ишларнинг бошида турган. Унинг қутлуғ юбилейи тантаналари ҳам хайрли тадбирларга улашиб кетди. Президентимиз Ислом Каримов Самарқанд шаҳридаги "Ориён уни Трейдинг" Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасининг "Супер Ориён" савдо дўкони очилишида иштирок этди. Германиянинг "Курт Шумахер" фирмаси вакили М. Дик ва "Ориён" ҳиссадорлик бирлашмаси раҳбари Ф. Зиёев билан суҳбатлашар экан, қўшма корхонанинг режалари, халқимиз фаровонлигини оширишга қўшадиган ҳиссаси билан қизиқди.

Шу куннинг асосий воқеалари Самарқанднинг бош майдони Регистонда содир бўлди. Аллома юбилейига бағишлаб байрамона тус олган бу қадим зиёратгоҳда вилоят ҳунармандлари яратган турли маҳсулотлар кўргазмаси уюштирилган эди. Ислом Каримов ушбу кўргазмани кўздан кечирди.

Шундан сўнг Регистон майдонида Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллик таваллуди тантаналарининг якуний тадбири бўлиб ўтди. Самарқанд вилояти ҳокими П. Абдураҳмонов байрам йиғинини очар экан, 20 мингдан зиёд самарқандликлар ва 20 дан ортиқ давлатдан ташриф буюрган хорижлик меҳмонлар, жумладан, БМТ ва ЮНЕСКО вакиллари тантаналар гувоҳи бўлиб турганини қайд этди. Бу жаҳон маданияти хазинасини тафаккур ганжиналари билан бойитган улуғ олимга эҳтиром рамзи эканини таъкидлади.

Анжуманда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Мирзо Улуғбекнинг олим ва давлат арбоби сифатида амалга оширган ибратли ишлари, бой мероси хусусида сўзлади. Биз ўзбекистонликларгина эмас, Марказий Осиё минтақасида яшовчи қозоқлар, туркманлар, қирғизлар ва тожиклар ҳам бу буюк мероснинг ворислари эканини таъкидлади.

Кекса отахон Аҳроркул Баратов аллома ҳақида, истиқлолга эришган Ўзбекистонда буюк боболаримиз меросига катта эътибор берилаётгани хусусида сўзлади. Халқ фаровонлиги, миллий анъаналаримизни тиклаш йўлида Президентимизга куч-қувват, саломатлик тилаб дуо қилди.

Қуёш уфққа бош қўйиб, самода юлдузлар балқий бошлаган лаҳзаларда Регистон майдонида Мирзо Улуғбекка бағишланган театрлаштирилган томошалар бошланди. Бу ўзига хос томошада Мирзо Улуғбек ҳаёти, унинг даври орқали халқимизнинг буюклиги, бағрикенглиги ва заковати намоён этилди. Бадиий жиҳатдан юксак савияда уюштирилган томошаларни минг-минглаб самарқандликлар, хорижлик олимлар, БМТ, ЮНЕСКО каби мўътабар ташкилотлар вакиллари қизиқиш билан томоша қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов театрлаштирилган томошалар якунлангач, янги таъмирдан чиққан Мирзо Улуғбек мадрасасини ҳамда бу ерда ташкил этилган кўргазмани бориб кўрди. Президентимиз ана шу ерда илк бор Самарқанд, Бухоро ва Хева шаҳарларини алоҳида рухсатсиз ташриф буюриш мумкин бўлган очиқ шаҳарларга айлантириш таклифини билдирди.

Сўнгра юбилей тантаналарида иштирок этаётган меҳмонлар учун қабул маросими уюштирилди.

Юбилей тантаналарида, республика Бош вазири А. Муталов, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев, Олий Кенгаш Раиси ўринбосари Б. Бугров, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши раиси У. Аширбеков, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳокимлари, тегишли вазирликлар раҳбарлари иштирок этдилар.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Самарқанддан Тошкентга қайтиб келди.

Амирқул КАРИМ,
(ЎзА).

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ МИРЗО УЛУҒБЕК ТАВАЛЛУДИНИНГ 600 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Хонимлар ва жаноблар!

Муҳтарам дўстлар! Ватандошлар!

Бугун биз буюк аждодларимиздан бири, дунёга машҳур аллома Муҳаммад Тарағай Улуғбек таваллудининг 600 йиллигини нишонлаш учун қадимий ва навқирон, гўзал шаҳри азим — Самарқандга йиғилдик.

Шу ҳаяжонли дақиқаларда инсоният тараққиёти тасдиқлаган бир ҳақиқатни яна бир бор эслатмоқчиман: тарихи бўлмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди.

Неча асрлар, неча минг йилларни қамраб олган улуғ тарихимизнинг инсоният ривожида катта из қолдирган бир қисми Мирзо Улуғбек фаолиятида мужассам бўлган.

Бугун насл-насабимизни эслаш ва тиклаш замони келган бир даврда, келажагимизни кураётган бир вақтда катта ғурур ва ифтихор билан айтишимиз мумкин: **бизларнинг томирларимизда Улуғбек қони бор, юрагимизда Улуғбек руҳи барҳаётдир.**

Бугун бизнинг мамлакатимизни, бизнинг салоҳиятимизни тан олаётган давлатлар ва халқлар бир нарсани яхши англамоқда: Улуғбекдай муносиб фарзандлари бўлган миллат ҳар қайси замонда ва ҳар қандай шароитда ҳам янгидан-янги ғояларни яратишга ва ривожлантиришга қодир халқдир.

Бугун Улуғбекни эсламоқ — асрлар тарихий адолатини ва буюк қадриятларимизни қайтадан тикламоқ, кўнгилларни ифтихорга тўлдирмоқдир. Ва биз-нинг миллий-маънавий ил-дизларимизнинг нақадар теран ва нақадар бақувват эканлигини исботламоқдир.

Биз бошқаларни камситиш ниятидан йироқмиз. Аммо бугунги айрим салтанатлар аҳли қабила-қабила бўлиб яшаган замонларда бизнинг муборак заминимизда илму фан барқ уриб яшнагани, табиий илмлар, хусусан, тиббиёт, математика, астрономия каби фанлар мадрасаларда ўқитилгани, илмий академиялар ташкил этилиб, **мағриб-машриққа** ном таратганини эласак ва бундан ҳар қанча ғурурлансак арзийди.

Азиз дўстлар!

Мирзо Улуғбекдай беназир алломанинг ўрта асрлар шароитида намоён этган илмий жасорати бугунги кун олимларини ҳам ҳайратга солмасдан қўймайди.

Тақдир бу улуғ зотнинг зиммасига беҳад улкан ва машаққатли вазифалар юклади. Буюк саркарда Амир Темур бунёд этган, салтанатнинг вориси бўлишдек мислсиз синов айнан унга насиб этди.

Чексиз ақл-идроки, азму қатъияти, одилона сиёсати билан Мирзо Улуғбек қарийб қирқ йил мобайнида Моваро-ауннаҳр диёрининг донишманд ҳукмдори бўлиб, халқларнинг азалий орзуси—тинчлик, тотувлик, ҳар томонлама тараққиётни қарор топтириш йўлида мислсиз шижоат ва матонат кўрсатди.

Мирзо Улуғбек, аввало, илмий фаразлар билан эмас, балки соф амалий услубда ижод қилди. Минглаб юлдузларни жамлаган мукаммал ҳарита ва бугунги энг замонавий ҳисоблардан деярли фарқ этмайдиган мукаммал астрономик жадвалини яратди.

Унинг ҳаёти ва ижоди ўзбек халқи маънавияти пойдеворига қўйилган тамал тошларидан бири бўлиб, халқимизнинг ўрта асрларда фундаментал фанга нечоғлик буюк аҳамият берганини кўрсатади.

"Зижи жадиди Кўрагоний" деб номланган Улуғбек астрономик жадвали ўрта асрларда лотин тилига таржима қилиниб, Европа олимлари орасида кенг тарқалгани бу фикримизнинг яққол исботидир.

Мирзо Улуғбек ўз умрини келажак учун, бугунги ҳаёт учун фидо этди. Ўша узоқ замонларда башарият тараққиётини ўйлаб яшади, ўз авлодлари асрлар оша тартиб этажак маърифатли бир жамиятни орзу қилди.

Ҳар қандай миллат ҳам Улуғбекдай фарзандни тарбия этгани учун ғурурланиши табиий ҳолдир. Чунки бундай инсонлар фақат ўз халқига эмас, балки умумбашарий цивилизация учун ҳам хизмат қилади ва жаҳоннинг эътиборини қозонади.

Муҳтарам дўстлар!

Биз бугун тафаккуримизда, ҳаётимиз ва тақдиримизда рўй бераётган улкан ўзгаришларни Улуғбек сингари аждодларимиз руҳига таяниб амалга оширмоқдамиз.

Буюк давлат пойдеворини қуриш, дунёда ўзимизга муносиб ўринни эгаллашда Ал-Беруний, Ибн Сино, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби боболаримизнинг бебаҳо мероси ҳамиша бошимизни баланд, қаддимизни тик қилади, халқимизнинг кучига-куч, ғайратига-ғайрат, ишончига-ишонч қўшади.

Азиз юртдошлар!

Биз бугун узоқ давом этган ғафлат уйқусидан уйғондик. Тарихимизни, маданиятимизни, ўзлигимизни танидик ва тиклай бошладик.

Улуғбекнинг муборак қадами теккан заминда янги ва эркин жамият барпо этиш вазифаси сизу-бизга насиб этди.

Буюк давлат қуришни кўзлаб, порлоқ келажак учун, фарзандларимиз иқболи учун, авлодларга озод ва обод ватан қолдирмоқ учун яшаш ва ҳалол меҳнат қилиш Ўзбекистонда истиқомат қилаётган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир.

Хонимлар ва жаноблар!

Азиз дўстлар!

Мирзо Улуғбекнинг умумбашарий қадриятларга қўшган ҳиссаси беқиёс бўлиб, у бугунги кунда ҳам ҳаётимизда улкан аҳамият касб этмоқда ва Ўзбекистоннинг халқаро обрўсини ошириш йўлида катта хизмат қилмоқда.

Буюк аждодимиз Улуғбек номи берилган маънавият масканлари, маҳаллалар, кўчалар ва шаҳарлар жуда кўп. Юртимизда дунёга кўз очаётган ҳар ўн чақалоқнинг бирига эзгу ният билан Улуғбекнинг муборак исми бериляпти деб айтсак, муболаға бўлмайди.

Буларнинг барчаси — миллатимизнинг буюк алломага бўлган чексиз ҳурмати ва эҳтиромидан дарак беради.

Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги дунёнинг кўплаб мамлакатларида нишонланаётгани биз учун ғоят қувончлидир. Биз бу воқеаларни дунё афкор оммасининг Мирзо Улуғбекка ва уни вояга етказган юртга, халққа ва унинг тарихига самимий ҳурмати деб биламиз.

Сўзимни якунлар эканман, узоқ-яқиндан келган сиз, азиз меҳмонларга ва шу қутлуғ анжуманнинг барча иштирокчиларига биз билан биргаликда Мирзо Улуғбек руҳини шод этганингиз учун **чин қалбимдан ташаккурлар билдирмоқчиман.**

Улуғбек кунларида дунёнинг кўплаб мамлакатларидан келган **азиз дўстларимизга алоҳида миннатдорлик сўзларини айтмоқчиман.**

Азиз дўстлар!

Мана шу кўпни кўрган, ҳаммамиз учун муқаддас майдонда туриб:

— Шу кунларга етказгани учун, юртимизнинг тинч ва осуда, озод ва обод бўлиб яшаётгани учун **тангримизга шукроналар айтамиз:**

— Шу заминнинг ва шу заминда яшаётган халқимизнинг умри ва бахту саодати боқий бўлсин!

— Юртимизни ёмон кўздан, бало-қазодан асрасин!

— Ер юзининг сайқали аталмиш **жаннатмонанд Самарқанд шуҳрати** бундан ҳам зиёда бўлсин!

— Мирзо Улуғбекнинг тафаккур юлдузи бундан буён ҳам бошимиз узра ёрқин порлаб тураверсин!

— Меҳнаткаш ва пок ниятли халқимиз мурод-мақсадига етсин!

21 октябрь — Тил байрами

МУҚАДДАС МЕЗОН

Юракларимизнинг қатлам-қатламларида асрлар давомида музқотган музликлар эрий бошлади ўша кун. Ўлкамизга яшил либоси, илиқ нафаси, осмон тўла турналари, саррин шабодалари билан одатдагидан ўзгачароқ бир баҳор ташриф буюргандек бўлди ўша кун. Ўша куни халқимиз бир юз ўттиз йил давомида эгилган бошини илк марта кўтариб, дунёга ғурур билан боқди. Ҳа, бу қутлуғ кун ўзбек тили — давлат тили мақомини олган кун эди... Мана, шунга ҳам беш йил бўлибди.

Биз бу йиллар мобайнида она тили инсон боласининг энг муқаддас бойлиги эканлигини, руҳиятимиз, маънавиятимиз ифодачиси эканлигини, зеро, халқнинг халқлигини англатгувчи энг буюк мезон эканлигини яна бир карра англаб етдик. Тилнинг равнақи — элнинг равнақи эканлигини амалда кўрдик. Дарҳақиқат, шу ўринда ўтган беш йил мобайнида она тилимизнинг равнақи учун қандай ишлар амалга оширилди? — деган савол туғилиши табиий.

Яқинда Тошкент давлат университетида бўлиб ўтган "Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўзбек тили ўқитилишини услубий жиҳатдан янада такомиллаштириш"га бағишланган бешинчи республика илмий-амалий конференциясида худди шу масала муҳокама қилинди.

Республикамиздаги кўплаб олий ўқув юртларидан вакиллар иштирок этган ушбу анжуманнинг ялпи мажлисида "Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўзбек тилининг ўқитилиши", "Ўзбек тилшунослиги ва истиқбол", "Ўқув-услуб адабиётлари яратишда терминология масаласи", "Лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосини жорий этиш давлат дастурини бажариш тадбирлари" мавзуидаги маърузалар тингланди. Нотиқлар ўз чиқишларида "Давлат тили ҳақида"ги Қонунни бажаришга оид фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Анжуманнинг шуъбаларга бўлиниб давом эттирилган мажлисида ҳам ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мавқеини янада ошириш, олий ўқув юртларида ўзбек тилида дарс бериш учун мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш ва ўзбек тилида иш юритиш билан боғлиқ масалалар хусусида фикр юритилди.

З. УСМОНОВА.

Республика семинар-кенгаши

ҒОЛИБЛАР

ЎН МАРТА ЭШИТГАНДАН...

Йил мактаби кўрик-танловида ғолиб чиққан ўқув даргоҳини бориб кўриш, тўпланган тажрибаларни ўрганиш, бунда хизмат қилаётган муаллимларнинг машғулотларида иштирок этиш, таҳлил қилиш, ўзаро суҳбат қуриш яхши самара беради. Шу пайтгача, очиқ айтиш керак, ушбу масалага камроқ эътибор бериларди. Негаки, ғолиб мактабнинг ички ҳаёти матбуотда, зангори экранда ва радиода қисман ёритиларди-да, муаллимлар бу материалларни ўқиш, эшитиш ва кузатиш билан чекланиб қўя қолардилар. Аммо, юз марта эшитгандан бир марта кўрган афзал-да. Бундай услуб кишини кенгроқ фикр юритишга, мактаб тутишда нималарга эътибор бериш лозимлигини англашга, ибрат олишга, баъзи ҳолларда эса танқидий назар билан қарашга ундайди. Хуллас, фикр алмашиш, таҳлил қилиш, баҳс юритишнинг фойда томонлари кўп.

Бу йил Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг ташаббуси билан жуда хайрли ишга қўл урилди. Яъни, республикамизнинг турли бурчакларидан ташриф буюрган халқ таълими ходимлари шаҳри азим Қўқонга, хусусан у ердаги 2 -ўрта мактабга тўпланишди. Эслатиб ўтамиз, мазкур ўқув даргоҳи бир йил муқаддам "Йил мактаби" кўрик-танловида ғолиб деб топилган. Унга халқ таълими аълочиси, маориф устаси Валижон Холматов директорлик қилади. Шаҳар халқ таълими бўлимини эса узоқ йиллик серунум меҳнатлари учун яқиндагина ҳақли равишда Ўзбекистон халқ ўқитувчиси унвони билан тақдирланган ҳокисор инсон, салоҳиятли раҳбар Эркинжон Эргашев бошқаради. Умуман олганда, Қўқон — ҳиэрнинг назари тушган шаҳар. Бу қўҳна, лекин навқирон шаҳарда халқ таълими, фан, маданият ва санъат азал-азалдан ривожланган. Айниқса, унинг маорифига ҳозирги кунда ҳам тариф йўқ. Бундай тавсиф таълим муассасалари ривожланганлик даражасининг барқарорлигида, мактаб ва оталиқ ташкилотлари, ота-оналар, маҳалла ўртасидаги ҳамкорликнинг яхши йўлга қўйилгани, таълим-тарбия соҳасида жуда кўп ижобий натижаларга эришилаётганида, муҳитнинг софлиги ва ҳоказоларда яққол кўзга ташланади. Бу ерлик, раҳбарлар эса, агар бошқариш кучли бўлса, муваффақиятлар эшигини очиш анча осон кечишини бугунги кунда бутун мамлакатга намойиш этиб туришибди. Шаҳарга ташриф буюрган халқ таълими ходимлари мана шу нарсаларга ҳам алоҳида эътибор қаратишди.

Меҳмонлар 29-мактабга келганларида. Фарғона вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Турсунали Қурбонов, Қўқон шаҳар ҳокимининг ўринбосари Бахромжон Мамажонов, шаҳар халқ таълими бўлими мудири Эркинжон Эргашев ташриф буюрувчилар ҳузурида хайрли мақсад билан келганлари учун миннатдорчилик билдиришди ва вилоятда, шаҳарда, хусусан маориф соҳасида эришилаётган ютуқлар ҳақида қисқача таҳлилий фикр юритишди. Меҳмонлар орасида халқ таълими вазирининг ўринбосари Хайриддин Маъсудов, "Маърифат" газетасининг бош муҳаррири Саъдулла Ҳаким ва бошқа раҳбар ходимлар ҳам бор эди.

Маорифчилар мухтасар танишувдан сўнг амалий ишга ўтиб, машғулотларни кузатиш учун синф хоналарига тарқалишди.

"УЧ ДАВР АБДУЛЛАСИ"

Она тили хонасида муаллима Азизахон Умарова 8-синфларга нафосат дарсини ўтишга шай турарди. Машғулотнинг кириш қисмидан сўнг ўқувчилар эътибори синф тахтасига ёзилган мавзуга қаратилди. Демак, бугунги дарс "Уч давр Абдулласи" деб номланди. Муаллима машғулотни "сценарий дарс" деб атади. Бу — яхши, ҳарҳолда, илғор услуб. Аммо бунда ўқитувчи-ўқувчи мулоқоти услубидан ҳам самарали қўлланилди. Машғулот аввалида қўшиқчи Маҳмуджон Азимовнинг Абдулла Қодирийга бағишланган ашуласи магнитофон орқали қўйиб эшиттирилди. Сўнг болалар ўзларига тушган саволларга зукко жавоб қайтаришди, шеър ёдлашди ҳамда Қодирийнинг ҳаёти ва сўнмас ижоди хусусида билганларини айтиб беришди. А. Қодирий (Жулқунбой) республикамизда биринчи бўлиб Мустақиллик ордени билан тақдирланди. Ёзувчининг "Ўтган кунлар", "Меҳробдан чаён", "Обид кетмон" номли катта асарлари, ўткир сатирик ҳикоялари халқимизнинг бебаҳо бойлигига айланган. Қодирий келажакни олдиндан кўра билган эди. "Ўтган кунлар" асари қаҳрамон либосидаги қизалоқ меҳмонлар ҳузурида ўтмиш даврлар руҳига хос жозибали рақса тушди. Қодирий либосидаги ўқувчи эса "ўзини" ёдга олганлари учун болаларга раҳматлар айтиб, таъзим бажо келтирди.

Абдулла Қодирий ҳаётдан жуда эрта кўз юмди, аммо ўзининг ўткир тиғли қаламини шогирдларига қолдириб кетди. Улардан бири Абдулла Қаҳҳордир. Ёзувчи Қўқон шаҳрида туғилиб ўсган. Шу ердаги 23-мактаб унинг номига қўйилган. Болалар ўзларининг буюк юртдошлари ҳақида ҳам анчагина янги гаплар айтишди.

Абдулла Қаҳҳорнинг шогирдларидан бири эса замондошимиз, севимли шоир Абдулла Ориповдир. Болалар бу ўткир қаламкашнинг шеърларидан парчалар ўқишди. Уларнинг фикрига кўра, А. Қодирий, А. Қаҳҳор ва А. Ориповларнинг номлари бир хил, Ватан учун бир хилда жонкуярлик қилишади, қайғуришади, халқимизнинг мунаввару мўътабар хислатларини ардоқлашади, аммо уч хил даврда

(Давоми 2-бетда)

ТАЯНЧ МАКТАБЛАРИНИНГ 5-6 СИНФЛАРИ УЧУН МАТЕМАТИКАДАН ДАСТУР

МАТЕМАТИКА ЎҚИТИШНИНГ УМУМИЙ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Математика ўрта мактабнинг таянч фанларидан бири бўлиб, бошқа фанларни ўрганиш учун замин яратади. Бу биринчидан, табиий-илмий йўналишдаги фанларга, хусусан, физика ҳамда информатика ва ҳисоблаш техникаси асосларига тааллуқлидир. Математикани ўқитишда ўқувчиларнинг мантиқий тафаккурини ривожлантириш гуманитар йўналишидаги фанларни ўрганишга ижобий таъсир этади. Ўқувчиларнинг меҳнат ва касбий тайёргарлиги учун математик амалий кўникма ва малакалар зарур.

Ўрта умумий таълим мактабларида математика ўқитишнинг асосий вазифаси жамиятдаги ҳар бир инсоннинг меҳнат фаолияти ва кундалик ҳаёти учун зарур бўлган, бошқа фанларни ўрганиш ва билим олишни давом эттириш учун етарли билим ва кўникмаларни мустаҳкамлашни таъминлашдан иборат.

Ўқувчиларда математиканинг табиати, математик абстракцияларнинг пайдо бўлиши ва моҳияти, реал ва идеал муносабатлар, математика фанининг реал олам ҳодисалари ва жараёнларини акс эттириш характери, математиканинг фанлар тизимидаги ўрни ҳамда илмий билиш ва амалда математик моделлаштиришнинг аҳамияти ҳақида тўғри тасаввурларни ривожлантириш уларда илмий дунёқарашнинг шакллантиришига имкон беради.

Математика ўқитишда ўқувчилар ўзларининг фикрларини аниқ ва тугал, лўнда, мазмунли тарзда баён этишга ўрганишлари, математик ёзувларни тушунарли, батартиб ва саводли бажариш малакаларини эгаллаган бўлишлари керак.

Ўқувчиларнинг мантиқий фикрлашларини ривожлантириш мактаб математикасининг муҳим вазифаси ҳисобланади. Математик хулосалар объектнинг ўзи ва уларни конструкциялашнинг математикада қабул қилинган қоидалар, мулоҳазаларни асослаш ва исботлаш қўникмаларини шакллантириш имконини беради. Аниқ таърифларга олиб келади ҳамда уларни қўллашга ўргатади. Мантиқий сезгирликларини ривожлантиради.

Математика ўқитишнинг таълим ва тарбиявий вазифалари ўқувчиларнинг ёши математиканинг фан ва ўқув фани сифатидаги ўзига хос хусусиятини ҳамда унинг мактаб таълими ва тарбияси умумий тизимидаги тутган ўрни ва аҳамиятини аниқловчи хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда комплекс тарзда ҳал этилиши керак. Ўқувчиларга бу масалаларни ҳал этишнинг методик йўллари ва усулларини мустақил танлаш ҳуқуқи берилади.

Ўқув-тарбиявий жараённи ташкил этишнинг муҳим шарти ўқитувчининг ўқитиш методи ва усулларининг мақсадга тўғри йўналтирилганлигини ҳамда уни ўқувчиларнинг математик тайёргарлик даражаси, ўқув кўникмаларининг ривожланганлиги, ҳал этилаётган таълим ва тарбиявий масалаларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қулайлаштиришдан иборат.

Ўқув-тарбиявий жараённинг барча босқичларида масалаларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Масалалардан фойдаланиш ўқувчиларни мустақил ишлашга ўргатиш билан бирга уларнинг ижодий фикрлаш қобилиятларини ҳам ривожлантиради.

МАТЕМАТИКА (5-6 СИНФЛАР)

Курсни ўрганишдан мақсад сонлар устида арифметик амалларни оғзаки ва ёзма бажариш, бутун ва каср сонлар устида бажариладиган амалларда ҳисоблаш малакаларини ривожлантириш. Кундалик турмушда кўп учрайдиган миқдорлар орасидаги боғланишлар билан таништириш. Геометриядан энг содда маълумот бериш билан бирга ўқувчиларни алгебра ва геометрия систематик курсларини ўрганишга тайёрлашдан иборат.

Курсни ўрганиш жараёнида ўқувчиларнинг 1-4-синфларда натурал сонлар устида амаллар бажариш юзасидан ҳосил қилган малакалари мустаҳкамланади ва такомиллашади: оддий ва ўнли касрлар, мусбат ва манфий сонлар, рационал сонлар билан амаллар бажаришда пухта малакалар ҳосил қилинади.

Математика фанининг бир қисми бўлган арифметикани ўқитишнинг ўзига хос мақсадлари бўлиб, бу мақсадлар арифметиканинг хусусиятларидан келиб чиқади. Курснинг асоси натурал сонлардир. Кейин каср сонлар. Манфий ва рационал сонлар ва ҳоказоларни киритиш билан бирга сонлар кенгайиб боради ва ҳар сафар, арифметик амалларнинг қонунларини сақлаган ҳолда "тенглик", "йиғинди" ва "кўпайтириш" янгича таърифланади.

Арифметиканинг илмий курси аксиомалар, таърифлар ва теоремалар воситасида аниқланадиган мантиқий тизимдан иборатдир.

Демак, 5-6-синфда фақат натурал сонлар, каср сонлар ва улар билан амаллар бажариш ҳамда арифметикани амалий масалалар ечишга тадбиқ қилиш йўллари ўрганилади.

Тенгламаларни киритиш матнли масалаларни ечишга ўргатишни янгича ташкил қилиш имконини беради. Ўқувчиларга алгебраик усулнинг арифметик усулдан устунлиги очиб берилади. Масалани ечиш услубини танлаш ҳуқуқи бундан кейин уларнинг ўзларига ҳавола қилинади. Шу билан бирга оддий касрларни ўрганиш ўқувчиларни алгебра курсини онгли равишда эгаллашга тайёргарлигини таъминлайди. Ифодалар ва хоссаларни ёзиш учун ҳарфдан фойдаланиш ҳақидаги дастлабки тасаввурларга эга бўладилар. Матнли масалаларнинг шарти бўйича мураккаб бўлмаган чизиқли тенгламалар тузиш ва ечишга ўрганадилар. Геометрик тушунчалар билан танишишни давом эттирадилар. Геометрик фигураларни ясаш ҳамда геометрик миқдорларни ўлчаш малакаларини эгаллайдилар.

"Натурал сонлар" бўлимида амалларнинг тартибига тааллуқли малакалар содда тузилган. Қавссиз ёки қавслари камроқ бўлган масалалар устида мустаҳкамланади. Сўнгра бундай мисоллар аста-секин мураккаблаштирилади.

Соннинг бўлиниши масалаларини ўрганиш ўқувчиларни оддий касрларни ўрганишга тайёрлайди. Сонларнинг 2 га, 3 га ва 5 га, 9 га ва 10 га бўлиниш белгилари сонли мисоллар устида тушунтирилади. Бўлиниш аломатлари касрларни қисқартиришда қўлланилади. Қисқартириш сурат ва маҳражининг умумий бўлувчисига кетма-кет бўлиши йўли билан бажарилади.

Ўнли касрлар устида амаллар бажариш малакаларини ривожлантириш оддий касрлар ва натурал сонлар устидаги амалларга узвий боғлаб олиб борилади. Оддий касрлар устида арифметик амаллар бажариш. Бир махражли оддий касрларни таққослаш, аралаш касрларни нотўғри касрларга айлантириш, касрларни қисқартириш ва уларни аралаш сон кўринишида тасвирлаш. Улар устида арифметик амаллар бажариш орқали такомиллаштирилади.

Оддий ва ўнли касрларни ўрганишда оғзаки ҳисоб малакаларини такомиллаштириш бундан кейин ҳам бутун математика курси давомида олиб борилади.

Матнли масалаларнинг шартлари бўйича сонли ва ҳарфий ифодалар, пропорциялар ва чизиқли тенгламалар тузиш. Ўхшаш қўшилувчиларни ихчамлаш ва қавсларни очишдан фойдаланиб, мураккаб бўлмаган чизиқли тенгламаларни ечиш малакалари ривожлантирилади.

Касрлар ва процентларга доир матнли масалаларни арифметик усуллар ва тенгламалар ёрдамида ечиш малакалари шакллантирилади. Миқдорлар орасидаги боғланишларни ўрганиш 5-синфда арифметика курсида масалалар ечиш билан боғлаб олиб борилади. Нарх, қиймат ва миқдорлар борасидаги боғланишдан тезлик, масофа билан вақт орасидаги ҳамда бошқа миқдорлар орасидаги боғланишдан "Миқдорларнинг тўғри пропорционаллиги" мавзусини ўрганишда фойдаланилади. Миқдорлар орасидаги боғланишни ўрганиш математиканинг кейинги курсини ўрганишдан функционал боғланиш ғоясини яхши тушунишга ёрдам берса, диаграммалар ясашни мунтазам равишда олиб бориш ўқувчиларни миқдорлар орасидаги боғланишнинг график тасвирини тушунишга тайёрлайди.

Геометрияга энг содда маълумотлар киритилиши ўқувчиларнинг фазовий тасаввурларини ривожлантиришда, геометриянинг бундан кейинги курсини ўрганишда ҳамда геометрия билан арифметика ўртасидаги ички ўзаро боғланишни, физика, география, информатика ва ҳисоблаш техникаси, биология орасидаги боғланишни амалга оширишда катта аҳамиятга эга.

Оддий ва ўнли касрлар бўлимига тўғри тўртбурчакнинг юзи ва тўғри бурчакли параллелепипеднинг, кубнинг ҳажмини ҳисоблаш киритилиб, уларнинг ўлчовлари бутун ва каср сонлар билан ифодаланади. Ўқувчиларни юза ва ҳажм ўлчовлари бирликлари билан таништириб бориш жараёнида, бевосита ўлчаш йўли билан ҳосил қилинган сонлар устида масалалар ечилади. Перпендикуляр ва параллел чизиқлар ҳақида тушунча берилиб, текисликдаги координатлар системаси тушунтирилади ва ясашга доир масалалар ечилади. Ясашга доир масалаларни ечишни ўргатишда ҳар хил конструктив усуллар а асбоблардан фойдаланилади. Процентларга доир масалалар билан таништирилади ва шартларида фақат бутун сонли проценти бўлган масалаларни ечиш билан чекланилади. Процентларни махсус мавзу шаклида ўтиш жараёнида процент ақида тушунча берилиб, сонга кўра процентни ҳисоблаш, процентга кўра сонни ҳисоблаш ўргатилади.

Сон ҳақидаги таълимот рационал сонларни ўрганиш билан кенгайтирилади. Рационал сонларнинг йиғиндиси ва кўпайтмаси ҳақидаги тушунчаларни тушунтириш жараёнида ўқувчиларнинг диққатини рационал сонлар билан бажариладиг н амаллар ҳам олдин кўриб чиқилган сонлар устидаги амаллар учун аниқланган қонунларга бўйсунишига жалб этиш керак.

Ал-Хоразмийнинг "Ал-Жабр ва ал-муқобала" номли асарида тарихда биринчи бўлиб манфий ҳадларни тенгликларнинг бир томонидан иккинчи томонига кўчириш ва қарама-қарши ўсиш ҳадларни ихчамлаш ҳақида сўз юритилганлиги билан таништириш мақсадга мувофиқдир.

МАТЕМАТИКА
5-СИНФ
(Ҳафтасига 5 соатдан, жами 170 соат)

1. Бошланғич мактабда ўтилганларни такрорлаш (10 соат).

Кўп хонали сонлар устида арифметик амаллар. Оғзаки ҳисоблашларнинг содда усуллари.

2. Натурал сонлар ва улар устида амаллар (54 соат).

Натурал сонлар ва ноль. Натурал сонларнинг ўқитилиши ва ёзилиши. Натурал сонларни таққослаш.

Натурал сонларни қўшиш ва айириш. Қўшишнинг хоссалари. Сонни ифодалаш. Ифодаларни ёзишда ҳарфлардан фойдаланиш. Ҳарфий ифоданинг сон қиймати. Қўшиш хоссаларининг ҳарфий ёзуви.

Тенглама ҳақида тушунча. Чизиқли тенгламаларни тузиш ва ечиш. (Ал-Хоразмий, "Ал-жабр ва ал-муқобала"). Натурал сонларни кўпайтириш. Кўпайтиришнинг ўрин алмаштириш ва гуруҳлаш қонуни. Кўпайтиришнинг тақсимот қонуни.

Натурал сонларни бўлиш. Натурал сонларнинг бўлувчилари ва карралилари. Жуфт ва тоқ сонлар. Сонларнинг 2 га, 3 га, 5 га, 9 га ва 10 га бўлиниш белгилари. Қолдиқли бўлиш. Ал-Хоразмийнинг ҳинд ҳисоби ҳақидаги рисоласи ва унда натурал сонларнинг амалларда берилиши.

3. Оддий касрлар (23 соат).

Оддий каср. Касрнинг сурати ва махражи. Каср сонларнинг ёзилиши ва ўқилиши. Бир хил махражли оддий касрларни таққослаш. Тўғри ва нотўғри касрлар. Аралаш каср ва уни нотўғри касрга айлантириш. Соннинг бутун ва каср қисми. Бир хил махражли касрларни қўшиш ва айириш.

4. Ўнли касрлар ва улар устида амаллар (34 соат).

Ўнли каср. Ўнли касрларнинг ёзилиши ва ўқилиши. Ўнли касрларни таққослаш. Соннинг тақрибий қиймати. Ўнли касрларни яхлитлаш. Ўнли касрларни қўшиш ва айириш.

Ўнли касрни натурал сонга кўпайтириш ва бўлиш, ўрта арифметик қийматини топиш.

5. Процентлар (12 соат).

Процент ҳақида тушунча. Процентга доир масалалар: Сонга кўра процентини ҳисоблаб, процентга кўра сонни ҳисоблаш. Жадвал ва диаграммалар.

6. Асосий геометрик тушунчалар (27 соат).

Геометрик фигуралар: кесма, тўғри чизиқ, нур, учбурчак. Чизғич, циркуль. Кесмаларни ўлчаш. Берилган узунликдаги кесмаларни ясаш.

Айлана ва доира. Циркуль ва чизғич ёрдамида ҳар хил фигураларни ясаш.

Бурчак. Бурчак катталиги (градус ўлчови). Бурчакларнинг ўлчов бирликлари. Бурчакларни ўлчаш. Берилган катталикдаги бурчакларни ясаш. Транспортир, чизмачилик учбурчак. Учбурчакнинг томонлари ва бурчаклари.

Узунлик ўлчови бирликлари: метр, диаметр, сантиметр, миллиметр, километр.

Тўғри тўртбурчак. Тўғри тўртбурчак юзи. Юза ўлчови бирликлари: квадрат метр, квадрат дециметр, (квадрат дециметр), квадрат сантиметр, квадрат милл метр, квадрат километр, гектар, ар.

Куб. Тўғри бурчакли параллелепипед. Кубнинг ва тўғри бурчакли параллелепипеднинг ҳажми. Ҳажм ўлчови бирликлари: куб метр, куб дециметр, куб сантиметр, куб миллиметр, куб километр, литр.

Масса ўлчови бирликлари: килограмм, грамм, милиграмм, тонна, центнер.

7. Ўқув материалини умумлаштириш. Масалалар ечиш (10 соат),

МАТЕМАТИКА
(6-СИНФ)
(Ҳафтасига 5 соатдан, жами 170 соат).

1. 5-синфда ўтилганларни такрорлаш (5 соат).

2. Касрнинг асосий хоссалари. (13 соат).

Туб ва мураккаб сонлар жадвали. Натурал сонни туб кўпайтирувчиларга ажратиш. Икки натурал соннинг энг катта умумий бўлувчиси ва энг кичик умумий карралиси.

Касрнинг асосий хоссаси. Касрларни қисқартириш. Иккита касрни энг кичик умумий махражига келтириш. Касрларни таққослаш.

3. Оддий касрлар устида арифметик амаллар (40 соат).

Ҳар хил махражли касрларни қўшиш ва айириш. Касрларни кўпайтириш, ўзаро тескари сонлар. Касрларни бўлиш. Каср иштирок этган сонли ифодаларнинг қийматини ҳисоблаш. Касрларга оид асосий масалалар: соннинг касрини топиш, касрга кўра сонни топиш, икки соннинг каррали нисбатини ҳисоблаш. Такрорлаш.

4. Мусбат ва манфий сонлар. (12 соат).

Мусбат ва манфий сонлар. Бутун сонлар. Қарама-қарши сонлар. Соннинг модули, унинг геометрик талқини. Сонларни таққослаш.

5. Мусбат ва манфий сонлар устида арифметик амаллар (21 соат).

Бир хил ишорали сонларни қўшиш. Мусбат. ва манфий сонларни айириш. Мусбат ва манфий сонларни кўпайтириш ва бўлиш.

6. Пропорциялар (8 соат).

Пропорция. Пропорциянинг асосий хоссалари. Пропорция ёрдамида масалалар ечиш. Тўғри ва тескари пропорционал миқдорлар ҳақида тушунча. Масштаб.

7. Рационал сонлар. (25 соат).

Рационал сонлар. Рационал сонлар устида арифметик амаллар ва уларнинг хоссалари. Рационал сонлар устида арифметик ҳисоблашлар.

Чексиз даврий ўнли касрларга доир мисоллар.

8. Текисликда тўғри бурчакли координаталар системаси. (20 соат).

Тўғри чизиққа перпендикуляр. Гуния ва чизғич ёрдамида перпендикуляр ясаш. Параллел тўғри чизиқлар. Гуния ва чизғич ёрдамида параллел тўғри чизиқлар ясаш.

Сонларни тўғри чизиққа тасвирлаш. Нуқтанинг координаталари.

Координаталари билан берилган икки нуқта орасидаги масофа формуласи.

Текисликдаги тўғри бурчакли координаталар системаси. Нуқтанинг абсциссаси ва ординатаси. Графикларга мисоллар. Айлана узунлиги ва доира юзи формулалари. Шар.

9. Бир номаълумли чизиқли тенгламалар (20 соат).

Арифметик амалларнинг қонунлари, уларнинг сўзлар билан ифодаланиши ва ҳарфлар билан ёзилиши. Ал-Хоразмий "Ал-жабр ва Ал-муқобала" рисоласи.

Бир номаълумли чизиқли тенгламалар тузиш ва ечиш.

Ҳарфий ифодаларни энг содда алмаштиришлар: қавсларни очиш, ўхшаш ҳадларни ихчамлаш.

10. Ўқув материалини умумлаштириш. Масалалар ечиш. (6 соат).

Ушбу дастур Халқ таълими вазирлиги Республика ўқув-методика маркази қошидаги математика бўйича Илмий-методик кенгаш томонидан тавсия этилди. Дастур ҳақидаги фикр — мулоҳазаларингизни билдиришингизни сўраймиз.

Манзилимиз: 700027 Тошкент-27, Ўзбекистон кўчаси, 80. ХТВ Республика ўқув-методика маркази, физика-математика бўлими.

"Йил ўқитувчиси"

"ТЎЛҚИНОЙ ТОШКЕНТГА БОРАДИ

Ўқитувчиларнинг ҳар йили кўрик-танловларини ўтказиш хайрли, оқил мақсадларга йўналтирилган. Улар мактабда, туманда, вилоят ва республика миқёсида энг илғор, кўпчиликка намуна қилиб кўрсатса арзийдиган муаллимларни саралаб олиш, муносиб рағбатлантириш, бой тажрибаларни ўрганиш, оммалаштириш, халқ таълими ходимлари орасида касбга нисбатан қизиқишни, фаолликни оширишдан иборат. Шу нуқтаи назардан қаралганда, Фарғона вилоятида ўтказилган билим ва маҳоратлилар синовида бағдодлик муаллима Тўлқиной Халилова биринчи, Фарғона шаҳрилик Раҳимахон Саримсоқова иккинчи ва тошлоқлик Мўминжон Қўшоқов учинчи ўринни эгалладилар. Бу ғолибларга бир ярим ойлик маош миқдорида пул мукофоти, эсдалик совғалари тортиқ этилди.

Шундай қилиб бағдодлик муаллима Тўлқиной Халилова республика кўрик-танловида иштирок этиш учун йўлланма олди. У ўрта мактабда юқори синф ўқувчиларига тарих фанидан сабоқ беради. Ижодкор ўқитувчи, ўз фанини яхши билади. Тайёрлаган кўргазмали куролларининг ҳаммаси асл нусхали. 15 хил услубда эркин дарс ўта олади. Машғулотларида иштирок этган киши кўп янгиликлар эшитади. Муаллиманинг санъатдан ҳам хабари бор: шеър ёзади, жозибали қўшиқлар айтади. Билими пухта. Ўзи жуда зукко.

Фарғоналиклар Тўлқинойнинг республика кўрик-танловида етакчи ўринлардан бирини эгаллашига ишонч билан қарашяпти.

Ўз мухбиримиз.

"АЪЛО ЎҚИШИМИЗ ВА МЕҲНАТИМИЗ СЕНГА, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОН!"

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида куни кеча ана шу мавзуда олий ўқув юртларининг аълочи талабалари ва ёш олимларнинг биринчи республика анжумани бўлиб ўтди.

Мазкур тадбирда вилоятлардаги олий ўқув юртларининг иқтидорли талабалари, аспирантлари иштирок этдилар. Анжуманга ташриф буюрганлар бир кун давомида қизиқарли баҳс-мунозаралар, давра суҳбатларида ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар. Куннинг иккинчи ярмида анжуман қатнашчилари Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртлари, билим юртларида бўлишиб, ана шу даргоҳларда амалга оширилаётган ишлар, янгиликлар ва тажрибалар билан танишдилар.

Анжуман якунида Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири, академик О. Салимов сўзга чиқиб, истеъдодли ёшларнинг келгуси ишларида, ўқиш ва изланишларида муваффақиятлар тилади.

Мухбиримиз.

Кўрик-танлов

Шарқ оламининг буюк мутафаккири Мирзо Улуғбек Тарағай таваллудининг 600 йиллик тўйи муносабати билан республика истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватловчи Улуғбек жамғармаси "Истеъдодларни излаймиз" кўрик-танловининг бу йилги якунларини кўриб чиқиб, ғолибларни аниклади. Мазкур жамғарма бош директори Исфандиёр Латипов мухбиримизга танловнинг моҳияти, жамғарма фаолияти, келгуси режалар ҳақида гапириб берди.

Йил бошида Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига бағишлаб "Истеъдодларни излаймиз" кўрик-танловини эълон қилган эдик. Бу танлов ёшларнинг фан-техника, санъат ва маданиятининг барча соҳаларида бўлган фаолликларини ошириш, яратилган янгиликларни такомиллаштириш, фаолиятнинг самаралирок бўлишига хизмат қилади.

Шу боисдан ҳам бу йилги танловимиз "Кашфиёт эт, Ўзбекистоним", "Саломат бўл, Ўзбекистоним", "Ўзбекистонни асрагин", "Ижод қил,

Ёш истеъдодлар

Ўзбекистоним" каби шиорлар остида олиб борилди.

Танловда республикамизнинг турли вилоят ва туманларида яшаб, ижод, қилаётган, олий ва ўрта махсус билим юртларида таҳсил олаётган, ёши ўттиздан ошмаган 200 нафардан зиёд истеъдод эгалари ўзларининг ижодий, илмий ва амалий ишлари билан қатнашдилар. Қўлимизга келиб тушган 200-дан зиёд иш экология комиссияси (ҳайъат раиси Юсуфжон Шодиматов), тиббиёт (Ўктам Орипов), техника ва иқтисод (Восил Қобулов), адабиёт (Абдулла Орипов), мусиқа (Офелия Юсупова), тасвирий санъат (Рўзи Чориев) комиссияларида кўриб чиқилди.

ҚУЙИДАГИ ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР КЎРИК-ТАНЛОВНИНГ БУ ЙИЛГИ ҒОЛИБЛАРИ БЎЛДИЛАР

1. Мирзаев ДИЛШОД (Самарқанд давлат меъморчилик қурилиш институти тадқиқотчи-ўқитувчиси) — Самарқанд вилояти Ўргут туманидаги телевизион минорани юксак даражада лойиҳалагани учун;

2. Убайдуллаев ДОСТОН (Тошкент шаҳридаги 253-мактаб ўқувчиси) — алоҳида истеъдоди, ёшлар орасида кенг тарқалган қўшиқлар тўплами, санъат соҳасида эришган ютуқлари учун;

3. Каримов ИСЛОМ (Тошкент химия-технология институтининг илмий ходими) — пахта монокультураси ва Орол денгизининг қуриши натижасида Марказий Осиёда юзага келган экология ва ижтимоий муаммоларни ечишга хизмат қилувчи янги полимер материалларни яратгани учун;

4. Холиқов ДАНИИЛ (В. Успенский номидаги мусиқа мактабининг ўқувчиси) — бир қатор концерт программаларида ва халқаро фестиваллардаги иштироки учун;

5. Ражабов ЖУМАҚУЛ (Қарши давлат университети аспиранти) — "Ўзилмаган умид иплари" шеърий тўплами учун;

6. Комилов РАВШАН (Республика ИИВ ансамбли жонандаси) — ёшлар орасида кенг оммавийлашган қўшиқлар тўплами учун;

7. Маҳкамов МОҲИР (Тошкент давлат I-Тиббиёт институти ассистенти) — юз-жағ соҳасидаги нуқсонлар ва шакл тузилишларини шиша-кристалл эмплантант билан бартараф этишда янги даволаш усулларини топгани учун

кўрик-танловнинг ғолиблари деб тан олиндилар. Ғолибларга "Лауреат" медали, гувоҳнома, I-даражали диплом, шунингдек, пул мукофотлари топширилди. Бундан ташқари, жуда кўплаб ёшларимиз (улар 50 нафардан ошади) кўрик-танловда фаол иштирок этганликлари учун турли даражадаги дипломлар, пул мукофотлари билан тақдирландилар. Кўрик-танловга келган ишларни саралаш жараёнида муҳим ғоялар, изланишларга ҳам дуч келдик. Эндиги фаолиятимизда ана шу ғоя, изланиш, тадқиқот ва кашфиётларни тезроқ амалиётга жорий қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш режалари асосий ўрин тутмоғи лозим. Бунинг учун илмий-тадқиқот институтлари, фан ва техника муассасалари билан мунтазам ва самарали алоқалар ўрнатишимиз керак. Аслида мана шундай илмий муассасалар раҳбарлари, мутахассислар бизнинг бу борадаги ишларимизда ёрдам беришлари, қизиқиб туришлари, эътиборли бўлишлари замон талабидир. Зеро, бизнинг фаолиятимиз жонажон Ватанимиз шон-шуҳратини жаҳоний миқёсларга кўтариш қодир бўлган ёшларни излаб топиш, уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган. Ватан равнақи йўлида хизмат қилаётган ҳар бир инсонни эса буюк боболар руҳи қўллайди.

Синфдан ташқари ишлар

Бола қалби — оқ қоғоз

Ўқиш дарси бола тафаккурини ўстириш, унинг маънавий дунёсини кенгайтиришнинг энг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун бу дарсларда ана шу жараён учун хизмат қилувчи барча воситалардан унумли фойдаланиш керак.

Аввало, синфдан ташқари ўқишни ташкил қилиш яхши самара беради. Бу ўқувчининг фикрлаш қобилиятини ривожлантиради. Боланинг тушунчасига мос бадиий асар (шеър, ҳикоя, эртак) танлай билиш лозим. Асар ўқиб берилгандан сўнг, у ҳақидаги хулосани ўқувчиларнинг ўзи чиқарсин. Улар фикри тинглангандан сўнг, ўқитувчи барча хулосаларни умумлаштириб беради. Болани мустақил фикрлашга ўргатишга шу тахлит кўприк қўйилади.

Шарқда "Ибратли ҳикоялар" деган ҳикоялар тўплами бор. Улар қиссадан ҳисса чиқариш билан якунланади. Бола қалби энди шаклланаётган дамда, бундай ҳикояларнинг аҳамияти катта. Биринчидан, бу асарлар ўқувчига тез сингади, иккинчидан, ундан келиб чиқадиган хулоса бола миясига қаттиқ ўрнашиб қолади. Ўқиш дарсларида маънавиятимиз, тарихимиз, миллий қадриятларимиз ҳақида кўпроқ тўхталиш керак. Бунинг учун халқимиздан чиққан буюк зотлар — Алишер Навоий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек каби кўплаб олиму фузалолар ҳақидаги кичик-кичик ҳикояларни айтиб бериш мақсадга мувофиқдир.

Ўқувчиларнинг Наврўз, Меҳржон байрамларига бевосита иштирок этишини таъминлаш лозим. Бу уларда азалий удумларимиз, одатларимиз тўғрисида тасаввур уйғотади.

Мустақиллик муқаддас тушунча. Бу ибора бизнинг қалбимизга сингмас экан, том маънодаги муқаддасликка айланмас экан, биз мустақилликнинг оғир-енгилини ҳис қилмаймиз. Шу боис, ўқиш дарсларида ана шу масалаларга эътибор бериш керак. Агар иложи бўлса ҳар куни дарс Ўзбекистон гимни билан бошланса, ўқувчиларда миллий ифтихор, ғурур шаклланади. Бу туйғулар эса ҳақиқий ватанпарварлик калити ҳисобланади.

Бола қалби — оқ қоғоз. Унга яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам, гарду софлик ҳам тез муҳрланади. Шунинг учун биз ўқиш дарслари орқали болаларнинг маънавий такомилига пойдевор қўйсак, уларнинг ёрқин келажагини таъминлаган бўламиз.

Ойдин СИНДОРОВ,
Қўшработ туманидаги
6-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Маълумки, дарслардан олинган умумий билимлар ўқувчининг ўз устида ишлаши, мутолаа қилиши орқали мустаҳкамланади, бойитилади. Бу ўринда турли мавзуларга оид китобларга бой бўлган кутубхоналарнинг аҳамияти беқиёсдир. Дўстлик туманидаги 15-ҳунар-техника билим юрти кутубхонаси ҳам ҳар доим ўқувчилар билан гавжум.

СУРАТДА: ўқувчилар китоб танлашяпти.

А. МАМАДАМИНОВ олган сурат.

ҒОЛИБЛАР

(Боши 1-бетда)

яшаб, самарали ижод қилишяпти.

Ўқитувчи машғулот сўнгида билдирилган фикрларни умумлаштирди, ҳозирги кунларимиз билан чоғиштирди ҳамда йўл кўйилган камчиликларни тўлдирди. Болалар мана шу ўринда муаллималаридан янгилик ҳам эшитдилар. Бунга кўра, Абдулла — Оллохнинг қуҳи, Қодирий — кўп ишларга Қодир, Қаҳҳор — қаҳрли, Ориф — кўп нарсани билувчи каби маъноларни англатар экан.

ИККИ ТАҲЛИЛ, БИР ХУЛОСА

Ташриф буюрувчилар машғулот сўнгида дарсни таҳлил қилиб бердилар. Сирасини айтганда, болалар мазкур мавзу бўйича яхши тайёргарлик кўришган, муаллиманинг тажрибакорлиги, маҳорати ҳам яққол сезилиб турди. **(Изох: биз бу ўринда дарснинг баъзи жиҳатларига тўхталиб ўтдик, холос).** Аммо, аввало, нафосат дарси адабиёт хонасида ўтказилиши лозим эди, бунда эса она тили хонасидан фойдаланилди. Шунингдек, болаларнинг мустақил фикри етишмайди, баъзи сценарий кўринишлари унчалик қовушмади. Совуққондек туйилди. Ҳарҳолда, уларни меҳмонларнинг сири босгани билиниб турарди. Баъзи фикрларга кўра, таҳлилга кам эътибор берилди. Нима ҳам дердик, 8-синф ўқувчиларига мулоҳаза юритиш борасида катта талаблар қўйиб бўлмайди. Шуни айтиш керакки, нима бўлганда ҳам, ўқитувчи бир соатлик дарс жараёнида дирижёрлик вазифасини яхши ижро этди ва кўп натижаларга эришди.

ФАОЛЛИК ВА ЗУККОЛИК

3-синфда риёзиётдан умумлаштирувчи дарсни 1994 йил ўқитувчиси, вилоят кўрик-танловининг ажойиб иштирокчиларидан бири Муборакхон Мирназирова олиб борди. Болаларнинг хийла зукколиги, билимдон ва бийронлиги, машғулотнинг кириш қисмида Ватан мадҳиясини қиёмига етказиб ижро этишлари, уларнинг миллий байроғимиздаги рамзий ранг-маъноларга берган таърифлари ва дарснинг ижтимоий ҳаётимизга оид янгиликлардан бошиланиши меҳмонлар эътиборини тортди. Бу ерда кўзга алохида ташланган тавсиф муаллиманинг ҳам, болаларнинг ҳам кўтаринки рухда эканликлари, нихоятда фаолликлари бўлди. Ўқитувчи дарс жараёнида "сочма савол" каби кўп илғор услублардан, тарқатма материаллар, бетакрор кўргазмали куроллар, табло ва ҳоказолардан фойдаланиб, ўқувчиларни қисқа вақтда мўлжалланган тест синовларидан ҳам ўтказа олди.

Кузатувлардан сўнг машғулотлар юзасидан айтилган фикрлар умумлаштирилди, мактаб директори Валижон Холматов меҳмонларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Умуман олганда, мазкур ўқув даргоҳида таълим ислохоти бўйича ибратли ишлар амалга ошириляпти. Семинар қатнашчилари ана шундай хулосага келдилар. Синф хоналарининг ораста жиҳозланганлиги, муаллимларнинг, ўқувчиларнинг билими, хулқ-одоби таҳсинга сазовор. Муҳими ҳам шу эмасми. Афсуски, бир хисобот мақоласи давомида ибратли жиҳатларнинг барчасини таърифлаб ўтиб бўлмайди.

ИЗДОШЛИК

Меҳмонлар шундан кейин шаҳардаги 22-боғча-гимназия ва 30-ўрта мактабда ҳам бўлдилар. Боғчага тажрибали муаллима Мамлакатхон Содиқова етакчилик қилади. Бу таълим-тарбия масканига 1993 йили мактаб қириб келган. Яъни, унинг асосида халқ таълими бўлими ташаббуси билан тажриба-синов тарикасида битта гимназия синф очилган. Мазкур янгилик ҳозирги кунда ўзини оқлаяпти. Болалар араб ва инглиз тилларини чуқур ўрганишяпти. Боғча 29-мактабга билимдон, ўқишга чанқоқ, қобилиятли болаларни тайёрлаб беради.

30-мактаб вилоят кўрик-танловининг шу йилги навбатида ғолиб деб топилган. Унга ёш, аммо кўпчиликка бош, ғайратли, ишбилармон, одамохун раҳбар Содиқжон Тошпўлатов директорлик қилади. Ўқув даргоҳида фан хоналари чуқур ихтисосли жиҳозланган. Масалан, бошланғич синф ўқитувчси Ширинной Аҳмедованинг синфхонасидаги деворларга чой қутисига ўхшаш айланадиган тўртбурчак қотирилган. Бу "қути"нинг ҳар бир юзасида об-ҳаво белгилари, геометрик фигуралар, унли ва ундош ҳарфлар, пахтадан олинадиган маҳсулот ва ҳоказолар алоҳида акс эттирилган. Орқа томондаги деворга эса каттакон қилиб жуда чиройли манзара тасвирланган.

Физика хонасида ўқувчилар ўтирадиган стол-стуллар поғоналаштириб қўйилган, бундаги барча ўқув-техника куроллари, аппаратуралар махсус пульт орқали бошқарилади.

Умуман, мазкур ўқув даргоҳида ҳам ўрганса арзийдиган илғор тажрибалар тўпланган экан. Улар таълим-тарбия жараёнини демократлаштириш, жаҳондаги илғор педагогик услублари ўзлаштириб олиш бозор муносабатларига ўтиш даврида ўқувчиларни маблағ ишлаб топишга ўргатиш, янги, замонавий курслар очиш, муаллимларнинг малакасини ошириш, таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш, ҳамкорлик педагогикасини ривожлантириш, шу мақсадларда турли хил тадбирлар ўтказиш ва ҳоказолардан иборат. Албатта, бундай ютуқлар ўрганишга, кенг доираларда оммалаштиришга лойиқдир.

ЭЪТИРОФ

Биз мақола давомида ахборот-таҳлилий услубдан фойдаландик. Ўқувчига бўлиб ўтган тадбир хусусида кўпроқ тасаввур беришга ҳаракат қилдик. Энди уни меҳмонларнинг "Сизга семинар-кенгаш ёқдими?" деган саволга берган жавоблари билан хулосалаб қўяқолайлик.

Зиё Зобиров, Бухоро шаҳар халқ таълими бўлими мудири муовини: — Менга Қўқон маорифи, хусусан 29-мактабда амалга оширилган ишлар жуда маъқул тушди. Айниқса, андозасиз машғулотлардан таянч сигналлари, светофор, катакли шаблон, танскрипция, матбуот конференцияси, мўъжизалар майдончаси каби дарс услубларининг асл нусхасини мана шу ерда кўриш мумкин.

Амиркул Турсунов, Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги 12-мактаб директори: — Қўқон

Қалбимизга, руҳимизга кўзгу тил

Маънавият инсонга она сути, ота намунаси, аждодлар ўгити билан бирга сингади. Она тилининг буюк аҳамияти шундаки, у маънавият белгиси сифатида кишиларни яқин қилиб жипслаштиради.

И. А. КАРИМОВ.

ТИЛ МУСТАҚИЛЛИГИ — ЭЛ МУСТАҚИЛЛИГИ

Бугунги кунда Ўзбекистонимиз истиқлол нашидасини сурмоқда. Яқиндагина бундай улуғвор ва муқаддас эзгуликнинг уч йиллигини нишонладик. Уч йиллик тантаналарида ўзбек тили ҳам бор бўйи, қадди-басти билан намоён бўлди. Ўзбек тилининг обрў ва нуфузи кундан-кун ортаяпти, у интиқ кутилган дамларда жавоб сифатида кўнгилларга ҳузур ва ором, тасалли ва мадад бермоқда. Ахир ўзбекнинг тилидай қудратли ва нафис, жозибадор ва серимкон тил дунёда камдир.

Бобокалонларимиз ўз тиллари билан ҳар доим фахрланишган, ғурурланишган. Бу тилда сўзлаган ўзга миллат вакиллари алоҳида ҳурмат билдиришган, ҳатто уларнинг гуноҳларини ҳам кечиб юборишган. Ўз тилига бу қадар эътиқод қўйган яна бирор халқ бормикан дунёда!

Аслида ана шу ҳурмат, шу эътиқод эмасми тилимизни асрлар тўфонларидан мустақиллик қирғоғига соғ ва саломат етказиб келган куч!

Ҳа, миллатнинг улкан бойлиги ва бебаҳо мулки бўлган тилимиз беадо ардоққа муносиб ва сазовор. Худди шунинг учун ҳам мустақил Республикамизнинг Асосий қонунида "Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир" деб ҳуқуқий кафолатланиб қўйилган. Бундай мўътабар ва азиз жумлалар Ўзбекистоннинг "Давлат тили тўғрисида"ги қонунининг биринчи моддасида ҳам жарангли садо бўлиб турибди. 1989 йилнинг 21 октябрида янграган шу садо ҳали-ҳануз кўнгилларга ҳузур, дилларга руҳ бериб келади. Энди она юртимизнинг азиз ва муқаддас тупроғи узра шу садонинг эркин ва учқур қушлари парвоз қилаверади.

Шукрларким, тор маиший ҳаёт тили даражасидан ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида мустаҳкам ўрин олаётган тилимизнинг мавқеи ва нуфузи ортиб бормоқда. Бугун унинг халқаро муносабатлар доирасида ҳам фаол истеъмолда бўлаётганлигига жаҳон ҳамжамияти, замондошларимиз шоҳид. "Оққан ариққа оқар сув" деганлари шу эмасми! Юсуф Хос Ҳожиб ва Аҳмад Яссавий, Лутфий ва Навоий, Амир Темур ва Улуғбек сингари дунёга донғи кетган аждодларимиз тилининг янгича жаноли, ўзига хос камоли бу! Бугун оддий сўзлашувда ҳам, расмий муомалада ҳам, идора ҳужжатлари-ю, илм-фаннинг нурли чўққиларида ҳам ўзбекча нутқ мавжуд ва ҳукмрон. Ўзбекнинг деҳқони ўз аризасини ўзи бита олади, ўзбекнинг оиласи китобини ҳам, илмий унвон учун ҳимоя ишини ҳам шу тилда ёзишга ҳадиксирамайди. Ҳар ҳолда "ўзбек тили" ва "ҳадик" деган сўзлар энди ёнма-ён яшолмайди. Бу туйғунинг кечмишга айланани рост. Аксинча, бу тилнинг милионларга куч-қудрат, ишонч ва жасорат берганлиги ҳам ҳақиқат.

Кеча ўзга тилда ўз фикрини тўла ифодалашга ожизлигини сезганлиги учун ҳам бор ҳақиқатни, кўнгилдаги чин истак ва интилишларини очиқ айтишга ийманиб турган замондошлар бугун беқиёс журъатга эга бўлди. Тил мустақиллиги — эл мустақиллиги деган ҳикмат шу ўринда ўзининг ҳақлигини яна бир бор намойиш этди.

Зеро, тилидан жудо бўлган халқ маънавияти, балки халқ тақдири тўлалигича таназзулга маҳкумдир. Шунинг учун ҳам ҳар қандай босқинчи халқ дастлаб босиб олган юртида ўз тилининг ҳукмронлигини таъминлашга ўринади. Тарих бунга доир мисолларга фаровон. Ўзбекнинг ўз тарихи ҳам бундан мустасно эмас.

Ана шундай тазйиқ ва таҳқирлар оқибатида тилда бегона сўзларнинг салмоғи сунъий равишда ортиб кетади. Тўғри, бегона сўзлар ўз-ўзича даҳшат сололмайди, фақат бегона фикрлаш тарзигина мудхиш бўлиши мумкин. Аммо бегона сўзларнинг совуқ ҳаракати ўзгача мушоҳада йўлларига чорлаши, она тили жозибаси ва сеҳрига нисбатан бепарволик, ҳиссизлик балосини келтириб чиқариши ҳам табиий. Ҳали-ҳануз "бекат" деган ниҳоятда чиройли ва муносиб сўзимиз ўрнига "остановка" сингари сўзларнинг устиворлиги ана шу бепарволик, ҳиссизликдан куч олиб турибди. Менинг назаримда, сўзлар ҳам худди тарих инсонларга ўхшаб андишали ва ҳаёли ёвуз, аксинча, сурбет ва юзсиз бўлиши мумкин. Сурбет сўзлар тилнинг учига яқин келиб тураверади, унга суйкалаверади. Ҳали айтганимиз бепарволик ва ҳиссизлик унга эшик очиб бераверади. Аксинча, андишали ва хаёлилар эса махсус таклиф, илтифот ва чорловлар билангина тил саҳнига чиқиши мумкин.

Мен, умуман, ўзлашган сўзларга қарши эмасман. Ўзлашган сўзлар, бошқа тиллардан қабул қилинган сўзлар ҳам аслида қабул қилган тилнинг мулки, унинг бойлиги бўлади. Аслида бир тилдан бошқасига ўтган сўзларни узатилган қизларга — келинга ўхшатиш мумкин. Узатилган қизлар оиладаги муносиб тарбия натижасида ўз муҳитдаги анъаналарга таянса-да, кўпроқ ва асосан бориб тушган хонадонидаги мавжуд урф ва одатларга риоя этишга, бўйсунишга ҳаракат қилади. Шундагина у янги оила таркибига тезроқ сингиб, мослашиб кета олади. Бу билан у ютқазмайди, аксинча ютади. Демак, янги оила янги аъзони ўзига мослаштиради. Сўзлар ҳам шундай, янги" илага" келган сўз унинг бутун хислатларига мос келса, бу"оила" уни ўз аъзосига айлантиради, аксинча, ҳолатларда у ортиқча аъзога айланади.

Тилнинг ўз қонунлари бор. Бу қонунлар куч ва зўравонликни тан олмайди. Шунинг учун ҳам бу қонунларни англаш, уни эътироф этиш шарт.

Давлат тили ҳақидаги Қонун эълон қилиниши арафасида ва ундан кейинроқ тилимиздаги "бегона" сўзларни қўлга таёқ олиб ҳайдаш иштиёқи кучайиб кетди ва, табиийки, ҳайдалиши лозим кўрилган сўзлар ўрнига янги муқобиллар даврага тортилди. Биргина "аэропорт" ўрнига таклиф этилган "қўналға", "тайёрагоҳ" сўзларини эслатиш мумкин. Ўтган қисқагина муддатнинг ўзидаёқ бу сўзлар замон синовига дош бера олмади. Улар сўзлар пойгасида тайёр эмаслигини кўрсатиб қўйди. "Учоқ" ва "тайёра" ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Тилнинг софлиги, унинг баркамоллиги учун курашиш шарт. Бу ҳар бир онгли фуқаронинг ўзи мансуб бўлган халқи, миллати олдидаги бурчи. Аммо бунда шахсий фикрдан ташқари ижтимоий муҳит, тилнинг ўзига хос тараққиёт қонунлари ҳам ҳисобга олинмоғи керак. Тилимизга сингиб кетган, унинг ўз мулкига айланган бойликларни қистос остига олиб қисиб чиқаришга уриниш самарасиз ҳаракатдир. Шу ўринда бевосита оддий китобхонлар, мактаб ўқувчилари, талабалар ўқитувчилар олдида юзага келган бир қатор қийинчиликлардан кўз юмиб бўлмайди.

Тилимизнинг софлиги унинг ўзига хос жиҳатлари ҳақидаги табиий ва ўринли куйиншилар гоҳ-гоҳида нотабиий ва ўринсиз ҳодисаларнинг юзага келишига ҳам сабаб бўлиши мумкин экан. Бугун мактаб ўқувчиси ҳам, ўқитувчининг ўзи ҳам район (раён) милиция (милитса, мелиса) сўзларини ёзишга қийналиб, иккиланиб қолган эди. Бундай сўзлар эса анча баракали. Гап шундаки, имло қоидалари бирданига ўз вазифасини бажармай қўйди. Илгари ҳам имломизда мавжуд бўлган айрим чалкашлик ва ноқулайликлар ижтимоий ҳаётдаги туб ўзгаришлар силсиласида тўғаноққа айланди-қолди. Шунинг учун ҳам матбуотда ниҳоятда хилма-хиллик, қамровини туйиб бўлмайдиган даражада ола-бўлалик бўй кўрсатиб қолди. Ўзбилармонлик авж олди. Табиийки, бу ҳолатнинг узоқ давом этиши мумкин эмас эди. Бундай ноқулайликни бартараф этиш эҳтиёжи янги ҳаракатларни юзага келтиради. Оқибатда имло билан боғлиқ ҳолда ёзув масаласи кўндаланг бўлди.

Ёзув инсон кашф этган буюк хазиналардан бири. Унинг аждодлар хотираси ва руҳи билан о ихта эканлиги авлодлар кўнглида барҳаётлик касб этишига сабаб бўлади. Зеро, ёзув хотира шаклидир. Унда аждодлар тарихи, ҳаёти, бутун борлиғи ўз ифодасини топади. Ёзув муайян бир гуруҳ, халқниггина эмас, балки бутун инсоният тўплаган, инсониятнинг ақли кашф этган моддий ва маънавий бойликлар ҳақидаги маълумотлар ҳазинасидир. Бошқа хазиналардан фарқли ҳолда, ёзув хазинаси алоҳида куч ва қудратга эга. Бу куч ва қудрат ушбу ёзувга дахлдор бўлган ҳар бир халққа "юқади". Шунинг учун ҳам тарихнинг ғубори қўнган обидалар, асрлар юкидан йиртилган қоғозлар, вақти-замон шиддатидан сарғайган саҳифалар авлодлар ардоғида бўлади.

Миллий алифбо шунинг учун ҳам алоҳида меҳр билан тилга олинади. Алифбо муаммолари шунинг учун ҳам халқ донишмандлари баҳсида муҳим ўрин тутади. Зеро, миллий алифбо одимлари, аслида миллатнинг тараққиёт сари қўйган одимларидир.

Ўзбеклар ҳам мансуб бўлган туркий халқлар дунёдаги ўз ёзувига эга бўлган энг қадимги қавмлардан ҳисобланади. Дунёнинг уч қитъасида, яъни Осиё, Оврупо ва Африкада яшаш жараёнида улар руний, суғд, уйғур, моний, брахман, араб, сурёний, арман, рун, лотин, ва славян ёзувларини қўллашган. Албатта, улар орасида руний, уйғур, араб ва лотин алифбоси миллий ёзув даражасига кўтарилган эди. Собиқ Совет Иттифоқи таркибидаги туркий халқлар учун славян ёзуви ҳам шу мақомга эга эди.

Рун ёзувининг мелодгача бўлган VI асрлардан истеъмолда бўлганлиги ҳақида фикрлар мавжуд. Бу ёзувнинг энг буюк намуналари Ўрхун ва Энасой дарёлари ҳавзаларидан топилган муҳташам обидалардир. У ёзувда 38 ҳарф бўлиб, ҳарфлар қўшиб ёзилмайди, улар чапдан ўнгга қараб ёзилган. Тарихга Ўрхун-Энасой битиктошлари номи остида кирган, ўз халқининг тақдири учун куйинган, ватан мустақиллиги, юрт даҳлсизлиги, миллат бирлиги учун курашган аждодлар ҳақида ҳикоя қилуви Кул Тегин, Билга Ҳоқон, Тўнюқуқ сингари халқ қаҳрамонларига бағишланган обидалар худди шу ёзувда битилган. Улар қадим аждодларимиз тили хотирасини сақлаганлиги билан ҳам ардоқлидир.

Уйғур ёзуви VIII асрлардан бошлаб истеъмолга кирган. Унинг фаол қўлланиши XIII-XV асрларгача бўлса-да, яқин-яқинларгача ҳам унинг уйғурлар томонидан қўлланиб келганлиги яхши маълум. Уйғур ёзуви ҳам ўнгдан чапга қараб ёзилган. Унда 18 белги бўлган. Бу ёзув намуналари ҳам анча баракали. "Қутадғу билиг"нинг Вена нусхаси, "Хибатул ҳақойиқ"нинг айрим нусхалари, "Бахтиёрнома" каби асарлар шу ёзув намуналаридир.

Араб ёзувчи туркий халқлар орасида исломнинг ёйилиши билан боғлиқ ҳолда кириб келди. Унинг фаол истеъмол даври X-XX асрлар ҳисобланади. Бу алифбо асосидаги ёзув ҳозирги авлод учун ҳам яқиндан таниш. Ўтмишда яратилган ниҳоятда бой маданий-адабий меросимизнинг шу ёзув билан алоқадорлигини таъкидлаш жоиз. Маҳмуд Қошғарийнинг "Девону луғотит-турк", Рабғузийнинг "Қисас ул-анбиё", Аҳмад Яссавийнинг "Ҳикматлар", Атоий, Саккокий, Лутфий, Навоий, Бобур, Огаҳий, Мунис, Нодира сингари ўзбек тили сеҳргарларининг нодир асарлари, минглаб илмий ва тарихий асарлар шу ёзувда битилган.

Ўзбекистонда бу ёзув 1928 йилгача истеъмолда бўлган эди. Шу йили лотин ёзувига ўтилди ва у 1940 йилгача қўлланди. 1940 йилдан бошлаб славян (кирилица) ёзуви амал қила бошлади.

Ниҳоят, биз яна лотин ҳарфларига асосланган ўзбек ёзувига қайтадиган бўлдик. Дастлаб, шу нарсани таъкидлаш лозимки, араб ёзуви ҳам, кирилл ёзуви ҳам ўзбек тилининг товуш таркибини тўла ифода қилиб бера олмас эди. Бу ҳақда мутахассисларимиз кўп йиллардан бери ўз мулоҳазаларини баён этиб келишади. Лотин ёзуви асосидаги ўзбек ёзувида эса ана шу афзаллик бор. Ўзбек тилининг ўзига хос бўлган бир қатор товушлари шу пайтгача ўзининг махсус ифодасини топмасдан келар эди. Ўз ифодасини топмаган товуш фақат ёзув билан эмас, балки имло билан ҳам, умумий саводхонлик билан ҳам боғланиб кетади, аниқроғи, уларнинг пасайишига сабаб бўлади. Биргина нг тарзида ёзиб келинган ва лотин алифбосида п тарзида белгиланган ҳарфни кўрайлик. Онг, тенг, менг, енг сингари сўзларда иштирок этадиган бу товуш кўп бўғинли сўзлар таркибида келганида, хусусан, уларни бўғинларга ажратиб ёзиш эҳтиёжи туғилганида иккига бўлиб ёзиб келинди ва уни талаффуз қилишда ҳам н ва г товушларига ажратиб юборадиган ҳолат юзага келди. Худди шунинг учун ҳам кўнгил, сингил каби сўзларни бўғинга ажратишда кў-нгил ёки кўнг-ил, си-нгил ёки синг-ил сингари тўғри шакллар қолиб кўнгил, син-гил каби нотўғри шакллар кўпчилик ҳолларда етакчилик қилиб кетди. Имло қоидаларида бу ҳолат, махсус қайд этилган бўлишига қарамай, ёзувдаги ноқулайлик ана шу имловий чигалликни келтириб чиқарган эди.

Бугина эмас, ўзбек тилининг хусусиятларига мос келмайдиган белги ва ҳарфларнинг киритилиши (хусусан, ъ, ь, "ё" лашган унлилар) ўзбек тили имлосида кўпгина ноқулайликларга сабаб бўлиб келди.

Ниҳоят, мустақиллигимиз шарофати билан янги миллий алифбо қабул қилинди. Бу мустақил Ўзбекистоннинг дунё танишида, дунёнинг Ўзбекистонимизни танишида муҳим омил бўлажак. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XIII сессиясида қабул қилинган. "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги Қонун ана шу омилга куч бағишлашига шубҳа йўқ. Хужжатда таъкидланганидек, "Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосланиб ва ўзбек ёзувининг лотин алифбосига ўтилган 1929-40 йиллардаги ижобий тажрибасидан келиб чиқиб, кенг жамоатчилик вакиллари билдирган истак-хоҳишларни инобатга олган ҳолда республиканинг ҳар тарафлама камол топишини ва жаҳон коммуникация тизимига киришини жадаллаштирувчи қулай шароит яратишга хизмат қилади".

Бу алифбода 31 ҳарф ва бир тутуқ белгиси (аностроф) мавжуд. Ҳозир турли ташкилот ва муассасаларда, вазирликларда бу ёзувни амалга ошириш бўйича дастлабки ишлар бошланиб кетди. Қонун кўзда тутганидек, 1995 йил 1 сентябридан эътиборан мактабгача тарбия болалар муассасаларида ва умумтаълим мактабларининг биринчи синфларида янги алифбо бўйича машғулотлар ўтказишни, қолган синфларда эса факультатив машғулотлар ташкил этилиши лозим.

Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси ҳаётга босқичма-босқич тадбиқ этилади ва бу иш 2000 йилнинг 1 сентябрида тўла тугалланади.

Ушбу қонунни амалга ошириш учун барча мутахассислар ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоғи шарт.

Бугун янги ёзув ва имло қоидаларимиз темир қанот бўлмоқда. Шу аснода тилимиз ҳам тобора баландроқ парвозларга тайёрлигини намойиш этмоқда. Яна машҳур бобокалонимиз Маҳмуд Қошғарий фикрлари ёдга тушади. Буюк алломамиз она тилини араб тили билан қиёслаб, уларни пойгада иштирок этаётган отларга қиёслаган ва туркий тил чавандозларининг бу пойгада ўзиб бораётганлигини қайд этган эди.

Аммо Алпомишнинг Бойчибори каби пойгада туёғига михлар қоқилган Бойчибор каби тилимиз тулпорлари бир муддат онгсиз ва нотавон қолган бўлса-да, ўша Алпомишлар ва Барчинлар руҳи бу отга куч ва мадад берди. Бу ҳол истиқлол малҳамларидан янги куч ва мадад олаверади.

Боқижон ТЎХЛИЕВ,
Низомий номли ТДПИ ўзбек тили ва адабиёти кафедрасининг мудири, филология фанлари доктори, профессор.

ИЛМИЙ АНЖУМАН

Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида давлат тили Қонунини бажариш бўйича амалга оширилаётган ишлар кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Олийгоҳда ўзбек тилига давлат мақоми берилганининг беш йиллигига бағишлаб ўтказилган илмий-амалий конференция ҳам шулар сирасига киради. Унда институт профессор ўқитувчилари ва юқори курс талабалари фаол қатнашдилар. Тадбирга ўзбек тили кафедраси жамоаси, айниқса, салмоқли ҳисса қўшди. Бунгача русийзабон гуруҳлар талабалари томонидан ўзбек тилини ўрганиш бўйича ёзилган илмий рефератлар ҳам ижобий натижалар бериб, ўзбек тилининг нуфузи тобора ортиб бораётганлигини кўрсатди.

Илмий анжуманда ТИҚХММИда давлат тилини тадбиқ этиш жараёнидаги амалга оширилаётган ишлар ва айрим муаммолар бўйича С. Мирзаев, А. Комилов, А. Акромов, А. Азимов каби таниқли олимлар маъруза қилишди. Булар орасида "Алишер Навоий — зуллисонайн шоир", Ўзбекистон — келажаги буюк давлат", буюк мунажжим, олим таваллудининг 600 йиллигига бағишланган "Мирзо Улуғбекнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари" мавзуларидаги маърузалар тингловчиларда катта қизиқиш уйготди.

Анора АБДИЕВА,
институт ўқитувчиси.

БАЙРАМГА БАҒИШЛАНГАН КЕНГАШ

Яккабоғ туман халқ таълими бўлимида Давлат тили қабул қилинган кун муносабати билан маорифчилар кенгаши бўлиб ўтди. Унда туман педагоглари давлат тили талабларидан келиб чиқиб, амалга оширилаётган ишлар, вазифалар ҳақида батафсил сўзладилар.

Кенгаш ишида туман халқ таълими бўлимининг мудири С. Бекмуродова сўзга чиқиб, Қонунни бажаришдаги ютуқлар ва нуқсонлар хусусида ҳисобот берди. Тил байрамига бағишланган кеча сўнгида ўқувчи-ёшлардан тузилган ашула ва рақс дасталари ўзларининг қизиқарли чиқишлари билан тўпланганларни хушнуд этдилар.

Х. ТЎРАЕВ,
туман халқ таълими бўлими услубчиси.

Донолар ҳикмати

Тилингнинг ширинлиги ва хулқнинг поклиги сен учун ҳар қандай оғир ишни енгиллаштиради, тор ризкингни кенгайтиради, етолмаган мақсадларингга етказади, одамлар сени севади, сенинг фойданг учун меҳнатини аямайди.

НАВОИЙ айтади:

Тилга ихтиёрсиз —
элга эътиборсиз.

x x x

Оғизга келганни
демак нодоннинг иши,
Олиғга келганни
емак ҳайвоннинг иши.

x x x

Тилинг бирла кўнглингни
бир тут.

x x x

Сўздирки, нишон берур
йўлиққа жондин,
Сўздирки, берур жонга
хабар жонондин,
Инсонни сўз айлади жудо
ҳайвондин,
Билким, гуҳари шарифроқ
йўқ ондин.

x x x

АБДУЛҚОДИР НУРИЙ ал—БАРЗАНЖАЙ айтади:

Тили ширин одамнинг
дўстлари кўп бўлади.

x x x

Одамларни ўзингдан нафратлантирмаслигинг, уларни мойил қилишинг, юракларни ром этишинг, дўстларингни кўпайтириб, душманларингни камайтира олишинг ҳам хулқ ва сўз гўзаллигига эга бўлишингдир.

АБДИБЕК ШЕРОЗИЙ айтади:

То имкон бориче кам
бўлсин сўзинг,
Сендан сўрамаса, сўзлама
ўзинг.
Кўргин, қулоқ икки, сўз
эса бирдир,
Демак, икки эшит, бир
сўзла сўзинг.

x x x

ЮСУФ ХОС ХОЖИБ айтади:

Одамни тил улуғлайди, уни бахтиёр қилади, шунингдек, тил одамни беқадр ҳам қилади, унинг бошига балолар келтиради.

x x x

Тил қафасда ётувчи арслон каби, қафасдаги ғаддор ваҳший бошинга етиши ҳеч гап эмас.

x x x

Сўзларингга эҳтиёт бўл, бошинг кетмасин, тилингни тийиб тут, у туфайли ташинг синмасин.

x x x

Одам туғилади ва ўлади, унинг сўзи қолади, инсон ўлади, унинг номи мангу қолади, буни унутма.

Тўпловчи
Қидирбой ТЎЛЕБОЕВ.



ҲАЙРАТУЛ—ХОТИРОТ

Бу кўҳна очун ҳайратлар силсиласидан иборат. Бизнинг ҳар бир қадамимиз ҳайрат етовида, ҳар бир сониямиз ҳайрат илгида. Кўзимиз ҳайрат билан очилади, ҳайрат билан юмилади.

Лекин бир ҳайрат бор, барчасидан-да устун, барчасидан-да залворли. Хотира дейилмиш самовий китобнинг энг ёрқин саҳифаси. Бу — мактаб остонасига қўйилган илк қадам. Бу даврда ҳар бир ҳарф жозибаси дунёдаги энг етук гўзаллик бўлиб кўринади. Оддий ҳисоб-китоб барча жумбоқлар калити туюлади. Муаллима эса энг оқила, энг доно киши бўлади ўша хотирот наздида.

Комила Нолибоева ҳам ана шундай ҳайрат сабабчиларидан. У 12 йилдан бери Сирдарё вилояти Шароф Рашидов туманидаги 20-ўрта мактабда бошланғич синфларга дарс беради. Ва 12 йилки, мурғак қалбларга илм ҳайрати, эзгулик ҳайрати, Ватан ҳайратини муҳрламоқда.

Ҳ. Мусин олган сурат.

"ОЛТИН КАЛИТЧА" МАНСУБ БОҒЧАДА

Пойтахтимизнинг Миробод туманидаги 345-болалар боғчасида 315 нафар ўғил-қиз тарбияланмоқда. Жами 13 гуруҳда малакали ва билимдон тарбиячилар бош-қош. Боғчага қатнайдиган болаларнинг 65 фоизи "Ўзэлектроаппарат" бирлашмаси ишчи-хизматчиларники.

Боғчада тарбияланаётган кичкинтойларнинг аксарияти рус тилида сўзлашувчи аҳоли фарзандларидир. Бунинг сабаби, шу атрофда яшовчилар турли миллат кишиларини ташкил этади.

Ёш мудира Мунира Усмонова боғчани миллийлаштиришни гуруҳларда ўзбек тили машғулотларини кўпайтиришдан бошлади. Бугунги кунда 4 гуруҳ тўла миллийлаштирилди. Битта тажриба гуруҳи ташкил этилди. Бу гуруҳда 17 миллатга мансуб 24 нафар болакай тарбияланмоқда. Гуруҳларда Санобар Икромова, Шаҳло Акбарова, Зиёда Холиқова ва Нодира Раҳимова сингари мутахассис тарбиячилар ўзбек тили машғулотларини олиб боришаётган бўлса, олийгоҳ толибаси Дилшода Шарипова кўнгилли равишда болаларга инглиз тилининг илк сабоғини ўтаётир. Ҳозирги пайтда корейс, латиш, рус, яҳудий, татар, тожик, немис, арман, грузин ва бошқа миллат болалари ўзбек тилида бинойидек гапирадиган бўлиб қолишди.

Мудиранинг ташаббускорона хатти-ҳаракатларини туман халқ таълими бўлими мудираси Баҳринисо Жўрақулова изчиллик билан қўллаб-қувватламоқда. Шунинг учун ҳам боғчада мунтазам равишда ташкилий-тадбирий ишлар амалга оширилаётир. Яқинда боғча жамоаси "Олтин калитча" деб номланган бадиий хаваскорлик дастасини ташкил қилди. Унда тарбияланувчилар билан бир қаторда тарбиячилар ҳам иштирок этмоқда. Санъат шинавандаларининг орзулари — "Ором" дастаси сингари элга танилиш.

Аммо боғча жамоасига бир муаммо тинчлик бермайди. Боғча ҳовлисидан унинг шундоққина рўпарасида жойлашган "Ўзэлектроаппарат" бирлашмасига йўл ўтади. Шу боис болалар муассасаси атрофини эгириб қўйишнинг иложи йўқ.

— Йўлдан одам аримайди. Ким билади, уларнинг орасида қандай кимсалар бор... Норасида болалар ўйингоҳларда ўйнаётган лаҳзаларда жонимиз ҳалак. Улардан кўзимизни узмаймиз. Биз, ахир, ҳар бир бола учун жавобгармиз. Эрталаб соғ-саломат ота-оналардан қабул қилиб, кечқурун эсон-омон жигарбандларини уларнинг қўлларига топширишимиз керак. "Ўзэлектроаппарат" бирлашмаси маъмурияти бу ҳолни кўриб кўрмаганликка олаётир. Ахир, уларнинг фарзандлари ҳам шулар орасида бор, — дейди мудира куйиниб.

Дарҳақиқат, боғча ҳовлисини кўздан кечирар эканмиз, мудиранинг гаплари тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Чет кишиларнинг қатори узилмайди. Ҳатто бу ердан автомашиналар ҳам бемалол ўтиб-қайтмоқда.

— Ҳар кун аҳвол шу. Эрталаб ҳовлини чиннидек қилиб йиғиштириб қўямиз. Бир оздан сўнг қарасангиз ҳаммаёқ ивирсиб ётади. Дераза ойналари синдириб турилади. Уларни ҳадеб алмаштираверишга ҳам тинкамизни қуритди, — дейди мудиранинг гапини маъқуллаб тарбиячи Шаҳло Акбарова.

Бугунги кунда мустақил Ўзбекистонимизда бола тарбиясига ҳар бир катта ёшдаги киши масъул. Шундай экан, гарчи ўз тасарруфида бўлмаса-да, "Ўзэлектроаппарат" бирлашмаси раҳбарияти боғчага меҳр ва саховат кўрсатиб турсалар ёмон бўлмас эди. Шунингдек, йўлни ўзгартириб, боғча ҳовлисини муҳофазага олишлари лозим. Ўйлаймизки, бирлашма раҳбарияти ижобий бир фикрга келади.

Шарофат ИСКАНДАР қизи.

АМАЛИЙ ИШЛАР КЎРИГИ

Мустақил мамлакатимиз фуқароларига ғурур ва сурур, қувонч ва шодлик бахш этувчи, қадриятларимизни, миллатимиз ўзлигини ўз мазмуни билан ифодаловчи байрамлар, тадбирлар талайгина. Улардан бири Ўзбекистон таълим-тарбия муассасаларида беш йилдан бери анъанага айланиб, кўтаринки руҳда ўтказилиб келинаётган "Тил байрами"дир. Шу кеча-кундузда ана шу байрам доирасидаги тадбир ва кечалар, учрашувлар, илмий мунозаралар деярли ҳар бир мактабда, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, тарбия муассасаларида кўтаринки руҳда ўтказилаётир. Бу тадбирларнинг барчаси Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили тўғрисида"ги Қонунини амалга ошириш борасида қилинган кўпдан-кўп ишларни ўзида мужассамлаштиради. Чунки Қонун қабул қилингандан бери ўтган беш йил мобайнида бу соҳадаги давлат дастурини адо этиш бўйича кенг миқёсли ишлар бажарилди.

"Давлат тили тўғрисида"ги Қонун қабул қилинган кезлардаёқ Халқ таълими вазирлигимиз уни амалга оширишга қаратилган кенг тадбирлар мажмуасини қабул қилганди. Унда асосан ўқув-тарбия жараёнини бутун чоралар билан такомиллаштириш, таълимда амал қилинаётган янги таркибларни кенгайтириш, мазмунан бойитиш, ўзбек тилини ўқитишнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, илмий-ташкилий ва методик ишлар самарадорлигини ошириш, Қонунни кенг тарғиб этиш ва уни изчил рўёбга чиқаришга эришиш каби бир қатор йўналишлар белгилаб олинган эди. Бу кенг кўламли ишларни адо этиш учун 26 кишидан иборат тузилган ишчи гуруҳи аниқ режа ва тадбирлар асосида фаолият кўрсатиб келмоқда. Шу кунга қадар ишчи гуруҳининг 17 та йиғилиши бўлиб ўтди. Бу йиғилишларда "Давлат тили тўғрисида"ги Қонунни амалга ошириш бўйича энг долзарб масалалар кўриб чиқилиб, муддатли ҳаракат дастурлари, тадбирлар белгиланди ва амалга оширилди.

Вазирлик ҳайъатининг йиғилишларида ҳам "Қонуннинг Бухоро вилоятидаги ўқув муассасалари ва ташкилотларида бажарилиши", "Республиканинг таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларида ўзбек тили ўқитилиши", "Юнусобод туманидаги халқ таълими ташкилот ва муассасаларида "Давлат тили тўғрисида"ги Қонуннинг бажарилиши ҳақида"ги масалалар атрофлича муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди. Вазирлик ҳайъат кенгаши қарорига мувофиқ мазкур Қонун қабул қилинган кун "Она тили куни" деб эълон қилинди ва ҳар йили таълим муассасаларида бу кун катта тантаналар билан нишонланмоқда. "Она тили куни"ни ўтказиш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқилиб, мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари, олий ва ўрта махсус билим юртларига етказилди.

Республика Ўқув-методика марказининг 1991—1995 йилларга мўлжаллаб тузган режасида давлат тилидаги дарслик ва ўзбек тилига таржима қилинган 774 номда 8679 босма табоқ ҳажмида ўқув адабиётларини нашр этиш кўзда тутилган. Ўтган давр мобайнида "Ўқитувчи" ва Ғафур Ғулом номли нашриётларга 400 га яқин қўлёзма тайёрлаб берилди.

Ўтган давр мобайнида халқ таълими тизимидаги ўқув муассасаларида ўзбек тилидан дарс соатлари сезиларли даражада кўпайтирилди. Ана шу билан биргаликда мавжуд ўқув дастури ва дарсликлар такомиллаштирилди, янги-янги дастурлар, дарсликлар яратилди ва бу иш изчил давом эттирилмоқда. Давлат тилидан таълим сифатини оширишга қаратилган адабиётлар яратиш ишларига таниқли тилшунос ва адабиётшунослар, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзолари, профессорлар жалб этилди. Улар орасида А. Ҳожиев, Ғ. Абдурахмонов, У. Норматов каби етук олимлар, амалиётчи педагог-ўқитувчилар бор. Бу олимлар етакчилигидаги гуруҳлар янги дастурлар асосида дарсликлар, қўлланмалар яратдилар ва яратмоқдалар.

Рус тилида сўзлашувчи миллатларнинг вакилларига ўзбек тилини ўргатишга қаратилган ишларнинг кўлами ҳам каттадир. Доцент А. Рафиев раҳбарлигидаги олимлар гуруҳи янги дастур асосида 1-7-синф дарсликларини яратдилар. Шунингдек, М. Асқарҳўжаева ва бошқаларнинг "Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни ўзбек тилига ўргатиш", Ф. Қодирова ва бошқаларнинг "Болалар боғчаларида 5-6 ёшли болаларни ўзбек тилига ўргатиш", Р. Қодированинг "Ўзбек тилини ўйин орқали ўрганамиз" ўқув адабиётлари таълим-тарбия ишида қўл келмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, таълим савиясини жаҳон мезонлари даражасига кўтариш бугунги куннинг бош мақсадидир. Бу соҳада таълим тизимимизга тест-рейтинг усули ҳам жорий этилаётганлиги ютуқларимиздан бири бўлмоқда.

Ўзбек тилидан ўқувчилар билимини тест усулида синаш масалалари ҳал қилинмоқда. Ўқув муассасаларимизда она тили ҳоналари тизимини кенг жорий қилишга, уларни таълимнинг техника воситалари билан жиҳозлашга, айниқса, компьютер техникасини ва бошқа замонавий ускуналарни ўқув жараёнида қўлланилишига эътибор қаратилмоқда. Шулар билан бир қаторда ўзбек тилидан дарс берувчи муаллимлар билим ва маҳоратларини ўстириш, уларни ижодий изланишларга чорлаш, энг тажрибакор ўқитувчиларнинг иш усулларини ўрганиш ва оммалаштириш бугунги кунда муҳим вазифаларимиздан бирига айлангандир.

Ҳали ўзбек тилини ўргатиш, унинг ўқитиш методикасини такомиллаштириш, таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар учун ўзбек тилини ўқитишга доир дастурий аҳамиятга молик материаллар тайёрлаш бўйича жуда кўп иш қилишимиз лозим.

Умуман, "Давлат тили тўғрисида"ги Қонунни амалга ошириш таълим мазмунини тубдан янгилашдаги инқилобий жараённинг таркибий қисмидир. Вазирлигимиз бу муҳим ишга биринчи даражали вазифа сифатида қараб, Қонунда белгиланган кенг кўламли вазифаларни оғишмай амалга ошираверади.

Алижон ТУРСУНМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Умумий ўрта таълим Бош бошқармасининг бош назоратчиси.

"ЯХШИ ЎРГАНИБ ОЛДИМ!"

Гўзал Ўзбекистон диёрида яшаётганимга қирқ йилдан ошди. Ўзбек тилини мактабда, Тошкент давлат университетида кўпчилик русийзабон кишилар сингари ўрганган эдим. Амалда эса салом-алик, хайрдан нарига ўтмагандим. Ўша пайтларда ўзбек тилда ёзиш, сўзлашишнинг деярли зарурати сезилмаганди.

"Давлат тили" ҳақидаги Қонун қабул қилингандан сўнг эса мазкур тилни чуқуррок ўрганиш ҳамда иш юритиш талаб этилди.

Мен ўзбек тилини ўрганиш курсида ўқидим. Тилга оид қўлланма ва луғ

Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги

ЖАҲОН ОСМОНИ

Бобораҳим ОМОНОВ

Боши газетамизнинг ўтган сонида.

ЧАЛАБИЙ (бош ирғаб). Ҳа, дарҳақиқат, бизнинг ул жаннатмакон бобокалонимиз султон ҳазратларининг энг яқин кишиси — илм бобинда пешқадам шогирдлари бўлғонидин қачонки султон ҳазратлари сафарда ёхуд давлат ишлари ила тамом банд бўлсалар, бул киши расадхонада юлдуз — сайёраларни кузатғонлар, мадрасада толиби илмларга дарс атқонлар ва...

ГРИВС (гапини бўлиб). Бир пас тўхтангиз, мавлоно, аввал камина ким ила ҳамроз бўлаётғонини идрок қилиб олсун!..

(Чалабийнинг қўлидан тутиб.)

Ахир, Сиз... камина — яъни бир заҳматкаш олим учун тақдирнинг энг катта инъоми эрурсиз!..

(Китобдорнинг елкасига қоқиб.)

Тақсир, китобдор жаноблари, сизга-да, ташаккур! Кўрингизки, камина айни дам бамисли кундуз юлдузни кўролган киби муттасирмен!

КИТОБДОР (бош ирғаб). Ори рост, мистир жаноб, камина ҳам шул ёшга кириб кўрғон кимсалардин ҳеч бири на сиз олғон зижлардин ва на мударрис Чалабий жаноблари ила розлашғонидин бундаюн завқи жунбушга келмағон эрди.

ГРИВС. Наҳотки, шундоқ эрса?! Аҳир бизда Мағрибни султон Боязид босқунидин халос этғон нажоткор Амир Темур хусусинда каттаю кичик воқифдур, онинг шавкати ва қудратига тан берурлар, валекин ул ғолиби қудратнинг авлодлари, хусусан, набираси султон Улуғбекнинг илм-фан бобинда ҳам бул қадар юксак тараққийға эришғонин ҳеч кимса билмас эрди. Мен султон Улуғбек зижини то шул дамғача Машриқу Мағрибға маълум бўлғон ўзга зижлар ила чоқиштируб тамом амин бўлдимки, мазкур ҳар жиҳатдин тўлуқ ва устун эркон!

ЧАЛАБИЙ (тасдиқли бош силкиб). Салоҳиятингизга офарин, жаноби тақсир, айни ҳақиқатни айтурсиз.

ГРИВС (кўксига қўлини қўйиб). Каминанинг шодлигин боиси шулким, неча йил машаққат чекиб, испан, юнон, форсу араб ва бошқа тилларни ўрганғон ва неча йил турли юртларни кезиб чандон китобларни мутолаа қилғон эрдик, аммо асл мақсудимиз ҳосил бўлмайин келаётғон эрди — яъни оламни ҳайратға солғулик бирор ноёб иш топилмас эрди — бугун муродға етдик!

(китобдорнинг елкасига уриб.)

Китобдор жаноблари, тунов кун ажиб ҳол содир бўлғон эркон!

КИТОБДОР (қизиқиб). Не эркон ул ҳол?

ГРИВС (кулиб). Ўшал кун сиз ўз касбингиз тақозасига кўра султоний зижни каминага баландроқ сотиш матлабинда хўб мақтандингиз. Биз ҳам сизни тағи шундаён китобларни топиб қўёвға рағбатлантирмак учун қанча сўрағон эрсангиз ўшал миқдор ҳақ тўлаб кетаберғон эрдик.

КИТОБДОР (бироз ноқулай ҳолга тушиб). Маъзур тутғайсиз, жаноб мистир, бизнинг Машриқда... шундайин одат мавжуддур — яъни мол сотғувчи аввал ани хўб таърифлаб, сўнг баҳосин ҳам анча ошируб айтур. Харидор эрса, аксунча, мумкин қадар арзон олиш ниятинда пастдин келур ва икки томон бир битимға келур эрди. Валекин, сиз... бундин мустасно эрконсиз.

Ўшал асно бўлак харидорлар борлигидин фақир қадоғ йўл тутмакка лол қолғон эрдим. **(Туриб, токчадан ўроғли латта олади.)** Аммо, мўлжалдин ортуқчасини ажратуб қўйғонмен — мана, тағин ўзингизга қайтарурмен.

ГРИВС (пулни олмай). О, йўқ, китобдор жаноблари, негаким, каминанинг наздинда аксинча ҳол содир бўлибдур: ул дам, гарчандки сиз ўз молингизни янглиғ таърифламанг, пировардинда барибир олтин учун мис баҳосин сўрағон эрконсиз.

(Ҳаменини чиқариб бир неча тилла оларкан, таъкидлаб.)

Бу гал қурбимиз етқонча ани ўзимиз баҳоладик, аммо, таассуфким, айни пайт камина юртимдин йироқмен — бинобарин ёнимда мавжуд маблағдин ҳисса ажратурмен, гар имконим булса эрди бул баҳони тағи бир неча баробар оширур эрдим.

(Тилла тангаларни китобдор олдига қўяди.)

КИТОБДОР (бироз довдираб). Ие... ажаб ишлар бўлмакда... **(Чалабийга).** Биродар, балким сиз бирор калима деюрсиз,а? Зеро, камина алҳол не воқеа содир бўлмоқда ва бул мулоқотлар асли ўнгму ёхуд тушдалигин-да ҳеч ажратолмасмен...

ЧАЛАБИЙ (таъсирланиб). Раҳматли бобомлардан эшитир эрдим, ки султону ҳокимларга атаб китоб битилса, алар катта инъомлар ила муаллифни сарафроз этур эрконлар. Аммо бунда икки жиҳат мавжуд эркон: бири — яъни бағишлов олғони ул китобни балким ўқур, балким ўқумас, ўқуса-да оё тушунур, оё тушунмас. Иккинчиси, хазинадин эрса қанча инъом этмасун — бойлиги камаймас. Ҳозир эса бул жаноб... илкига иттифоқо тушуб қолғон бир китобни баланд баҳолаб... ўзларининг катта сафарларинда асқотиши шаксиз бўлғон маблағини сизға тортиқ қилурлар — камина қай тарафға ён босмакдин-да ожизмен.

КИТОБДОР (бироз мушоҳада этгач). Андоқ эрса бундоқ келишурмиз, мистир жаноб. Сизнинг аввал берғон оқчангиз майли бизда қолсун — камина шунгада розидур. **(Тиллаларни Гривс тамон суриб.)** Буларни эрса узунгиз истифода этунг — олис юртингизга етишгунча ҳали кўп эҳтиёжингиз бўлур.

ГРИВС **(салмоқлаб).** Камина бу гал ҳам узоқ муддатли сафар азминда эрдим, истағон китобни топкунча неча ой, балким йил оша изланур эрдим, аммо эмди бунга ҳожат ҳам қолмади — тез кунларда юртимға қайтиб зижи султонийни таржумаи табдил қилсам бас, ҳар жиҳатдан таъминланурмен ва номим-да тарихда қолғай.

КИТОБДОР (унча тушунмай). А-жа-аб...

ГРИВС. Ҳеч ажабланмасангиз, кеча ҳисоб этсам "Зижи Кўрагоний" мелодий санада 1437 йили ниҳояланғон эркан. Орадин шунча фурсат — яъни роса 201 йил кечуб ҳам бул ҳамон илм аҳлиға номаълум қолғондур — бинобарин ногоҳ бийик шов-шувга сабаб бўлғай!

ЧАЛАБИЙ (ўкинч билан). Ҳа, зар қадрини заргар билур, дерлар... Жаннатмакон Улуғбек Мирзо замонлари Машриқ-да айни шундайин мезон бўлғон эркон... Эмди ундайин замонлар яна келғаймукин ёким йўқ — ёлғуз парвардигорга аёндур.

ГРИВС (Чалабийга). Модомики, китобдор жаноблари аввал олғон оқчасига рози эрконлар, унда камина бул олтунларни... камоли эҳтиром ила Сизга топшурсам, негаким, китобдордин ҳам кўпрак Сизнинг аллома боболарингиз ушбу ишга дохлроқ эрконлар...

(Тангаларни суриб қўяди.)

КИТОБДОР (Чалабий эътироз этмоқчи бўлганда йўл кўрсатиб). Олингиз, мударрис жаноблари, майли ўзингиз учунмас — ночор талабаларингиз эҳтиёжларига сарф этурсиз. Шундоқ қилунса раҳматли Улуғбек ҳазратларининг ва бобокалонларингизнинг-да руҳлари шод бўлурлар. **(Тангаларни сургач).** Қани, эмди ўтганлару юрганлар ҳақларига бир дуо қилсунлар.

ЧАЛАБИЙ (дуога қўл очиб). Илоҳо омин, бори ўтмиш улуғ зотларнинг руҳлари мудом шод бўлсун, аларнинг ишлари ҳам номлари эрса эҳтиром ила ёд бўлсун. Тангрим бизнинг юртга келуб кўп жўмардликлар қилаётғон мистир жанобларининг-да ишларига кушойиш ва неглик ато этгай ва шунинг баробаринда камтарин ҳамда олижаноб бандаси китобдор Али афандининг ишлариға-да ривож, ўзлариға тан сиҳатлик ва хушвақтлик инъом этайдур.

ГРИВС (фотиҳадан кейин). Мударрис жаноблари, ана, китобдор биродаримизнинг тағи икки муштарий-мухлислари келмақдалар. Биз эмди ҳув нариги тарафдаги сўрига борсак ва сиз бизга муҳтарам Улуғбек ҳазратларининг бошқа ишлари, кейинги ҳаётлари ва авлодлари хусусинда бир мунча муфассал маълумот берсангиз. ЧАЛАБИЙ (қўлини кўксига қўйиб). Бош устина, жаноб мистир, майли юрингиз. **(Туришади.)**

КИТОБДОР (уларни кузатаётиб). Камина ҳам тезда тағи хушнуд суҳбатларингизга етишур.

2-КЎРИНИШ:

Дарахт остидаги атрофи турфа гуллар билан қопланган сўрида Чалабий билан Гривс уришиб қолишгандек тумшайиб ўтиришибди. Хизматкор бола чой билан дастурхон келтиради. Чалабий уларни индамасдан олиб ўртага қўяди ва яна аввалги ҳолатга тушиб бошини солинтиради. Мева-чевалар солинган товоқ кўтариб Китобдор келади, уларнинг ўтиришидан ҳайрон бўлади.

КИТОБДОР (мутойиба қилиб). Иҳм, ие, мударрис жаноблари, бу не ҳолдур — меҳмон ила бианнинг уришиб қолғондек тумшаюб турурсиз — мабодо... боягй олтунларни қайта тақсимлаш борасида араз содир бўлмадиму?

ЧАЛАБИЙ (секин бош сараклаб). Ҳей, меҳмон... ажиб киши эркондур. Каминадин сўрдилар... ва мен боя сизга дегонларимни — яъни Улуғбек Мирзонинг мудҳиш қисматларини баён этдим холос.

Китобдор "ҳм" дея нима гапиришни билмай қолади.

ГРИВС (бошини кўтариб). Китобдор жаноблари, сиз зиёли ҳам диёнатли кишидурсиз. Эмди фараз қилингчи: бир кимса бешиқда ётғон ўз норасидасини эл-улус гувоҳлигинда бўғуб ўлдирса — анго не муносабат билдирур эрдингиз?

КИТОБДОР (қўлидаги товоқни дуч келган жойга қўяркан, беихтиёр ёқа тутиб). Ё, алҳазар!.. Нечук бундаюн ваҳмали... гапларни айту сиз, жаноб мистир?!

ГРИВС (бироз қизишиб). Хўп, унда аксинча бўлсун: ақли солим бир киши ҳатто вояга етғач ҳам бандға тушуб атоси мададига муҳтож бўлғон фарзандини жонсипорлик ила зиндондин қутқориб олсун, онга вилоят ҳокимлиги мартабасини беруб, ҳар жиҳатдин тўкислигин таъминласун. Оқибати эрса ул фарзанди кажроҳ хиёнат ила ўз бузруквор валинемаътин қатл этсун.

Сизнингча ушбу ҳоллардин қай бири даҳшатлироқ турур?

(Китобдор гап нимадалигин англагач, жавоб қайтаролмай, бошини солинтиради. Гривс эса қуюниб хитоб қилади:

ГРИВС: — Эҳ, бул қандайин Машриқким — ўзуга олиму одил шоҳни кўп кўруб, эслиму қотил кўрнамакка бош эгур, ҳатто онга Амир Темур ўлтургон олиймақом тахтни раво кўрур-а?!

ЧАЛАБИЙ (таскин оҳангида). Аммо ул бадбахт падаркушнинг ўзу ҳам узоқ даврон суролмабдур. Орадин олти ойлар фурсат кечуб, Улуғбек Мирзонинг содиқ амирларидин Бобо Туркистоний ул беоқибатнинг ўзуни ҳам жаҳаннам қаъриға равона этғондур!

ГРИВС (бош чайқаб). Қасос олмак — бул шатранж ўйини эрмаским, номақбул ҳариф майдондин четлатилғач, донаю шохлар тағи арса узра ўрунларин олушса — эмди, бундаюн муртадлардин мингини махв этсалар шояд яна бир Улуғбек пайдо бўлурмукин?!

КИТОБДОР (мавзуни ўзгартириб). Жаноб мистир, бул содир бўлмиш кор-ҳоллар бори ўтғондур, тенгрим қолғонларнинг умрин берсун...

ГРИВС (ўзига гапиргандек). Бизнинг Мағрибда... гарчандки Улуғбек Темурийзодадек олим шоҳлар етушмағон эрса-да, аммо илму ҳунар аҳли хор эрмаслар. Қиролимиз наинки ўз юртимиз ва атроф-жанубларда, балки рубъи маскунинг бори иқлимларига каминадек фидойиларни йиборуб неки нодир битиклар бўлса йиғиб ёхуд ўрганув келмакка даъват этғонлар. Кўп илмлар бешиги бўлмиш Машриқда эрса эмди бунинг тамом аксидур.

ЧАЛАБИЙ (аламли). Надоматлар бўлғайким, бори айтқонингиз ҳақиқатдур. Улуғ боболар ишлари барбод бўлуб, аларнинг руҳлари биздин йироқлашмуш. Уч йил муқаддам Самарқанд зиёратиға азимат этғонимизда, не тил ила баён этайким, бир замонлар курраи замин узра энг маҳобатли саналмуш Улуғбек расадхонасини... тамом вайрон ва тарож аҳволда кўрдик...

ГРИВС (истеҳзоли). Модомики, шундоғ эркон... тағи бир неча муддат ўтуб, авлодларингиз ўз аждодларидин қолғон билим-битикларни-да фақат... Мағрибда сақлангонларинигина, шунда ҳам аларнинг иноятлари ила ўрганмаклари мумкин бўлса — бу ҳолдин ҳеч ажабланмассиз-а?!

Чалабий бошини қуйи солинтиради. Ноқулай жимлик. Шу асно хизматкор бола ош олиб келади.

КИТОБДОР (хижолат аралаш, мавзуни ўзгартириб). Қани, азизлар, машойихлар, аввал таому сўнгра калом, демушлар. Ошга марҳамат қилингиз.

Дастурхонга ошни олиб қўяди. Нохушлик тарқамай, сўзсиз ош ейишга тутунадилар. Саҳна секин қоронғулашади.

ХОТИМА:

Ҳазин куй эшитилмоқда. Бироздан кейин узоқдан Гўри Амир мақбараси намоён бўлади. Кейин тепадан секин туширилган Улуғбек портрети уни тўсади. Саҳна ўртаси ёришиб, ёзув билан машғул киши кўринади ва муаллифнинг "Шеър мулкининг султони — Алишер Навоий" деган изоҳи эшитилади.

Навоий Улуғбек таърифида ёзганларини ўқийди:

Темурхон наслидин султон Улуғбек,
Ки олам кўрмади султон онингдек.
Анинг абнойи жинси бўлди барбод —
Ки давр аҳли биридин айламас ёд...
Ва лек ул илм сори топти чун даст —
Кўзи олдинда бўлди осмон паст.
Расадким боғламиш — зеби жаҳондур —
Жаҳон ичра яна бир осмондур.
Билиб бу навъ илми осмоний —
Ки андин ёзди "Зижи Кўрагоний".
Қиёматга декинча аҳли айём
Ёзурлар онинг аҳкомидин аҳком!..

Яна мусиқа давом этиб, саҳна секин қоронғулашади.

"Овози тожик" газетаси — 70 ёшда

ХАЛҚ ИШИГА ҚАМАРБАСТА

Байрам ва тантана кунларида босиб ўтилган йўлга назар ташлаш одат тусига кирган.

Газетанинг муборак тўйи истиқлолимизнинг 3 йиллиги кунларида ўтишида ҳам катта маъно бор. Зеро, газета Ўзбекистон Олий Кенгаши ва Вазирлар Маҳкамасининг рўзномаси сифатида камарбаста бўлиб, ҳамиша халқ хизматида бўлди.

"Овози тожик" Ўрта Осиёда чоп этилаётган тожик тилидаги нашрларнинг отахони, десак муболаға бўлмайди. Гарчанд у 1924 йилнинг 24 августидан бошлаб "Овози тожики камбағал" ("Камбағал тожик овози") номи билан нашр этилган бўлса ҳам, аслида унинг асоси 1912 йилда Бухорода чиқадиган "Бухорои шариф" ва 1921 йилдан бошлаб Самарқандда нашр этила бошлаган "Шўъланинқилоб" ("Инқилоб шўъласи") номли газеталар билан қўйилган эди.

Тожик матбуотининг давоми ўлароқ, "Овози тожик" рўзномаси яна нашр этила бошлади. Унинг фаолияти Ўзбекистоннинг равнақи ва порлоқ келажаги билан чамбарчас боғланган.

Бугунги шодиёна кунда рўзнома бешигини тебратган Садриддин Айний, Лоҳутий, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий каби аллома инсонлар номларини тилга олишни жоиз деб биламиз.

70 йил ичида рўзнома "Ҳақиқати Ўзбекистон", "Ўзбекистони сурх" номи билан нашр этилди. Ва, ниҳоят, 1991 йилдан бошлаб яна аввалги "Овози тожик" номи билан чиқа бошлади. У қайси ном билан нашр этилмасин, ҳамиша давр куйчиси, илғор ғояларни, чин инсоний фазилатларни тараннум этувчи мақола ва материалларни кенг халқ оммасига етказиб борди. Рўзнома саҳифаларида ёритилаётган мақолалар жумҳуриятимиз халқ хўжалигидаги ютуқларни, ҳаётий муҳим вазифаларни ҳал этиш йўлларини қамраб олади. "Овози тожик"нинг шакланишида унинг илк муҳаррири Абдулқаюм Қурбидан тортиб бугунда ушбу муқаддас даргоҳда хизмат қилаётган ҳар бир ходимгача муносиб ҳиссасини қўшиб келган.

Газета халқимизнинг кундалик фидокорона меҳнати, мустақиллик берган неъматларини куйлаш билан бирга мустақилликни мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган улуғвор ишларни васф этади. Бу йўлда унинг кўп сонли фаоллари, вилоятлардаги мухбирлари сидқидилдан кўмаклашяптилар. Газета саҳифаларидаги очерк, лавҳа турли мазмундаги илмий-назарий публицистик мақолалар халқимизнинг мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида олиб бораётган қаҳрамонона ишларини бадиий тарзда жилолайди.

"Овози тожик" айни пайтда икки жондош ва қондош халқнинг — ўзбек ва тожикнинг асрий дўстлиги куйчиси ҳамдир. Жумҳуриятимизда истиқомат қилаётган тожик миллатига мансуб кишилар рўзнома орқали ўзбек адибларининг янги асарлари билан таниши борадилар. Унинг саҳифаларида академик Ғафур Ғулом, Шайхзодадан тортиб то Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов асарларию янги санъат ғунчалари ижоди ҳам кенг ўрин оляпти. Ижодий жамоа ўзбек ва тожик халқларининг абадий ва бузилмас дўстлигини доимо тарғиб қилишни ўзининг шарафли бурчи деб билади.

"Овози тожик" ходимларининг камтарона меҳнати доим муносиб тақдирланди. Жамоамизда уч нафар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими ва тўрт нафар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист фаолият кўрсатмоқда. Рўзнома фахрийлари ўз иш тажрибаларини ёш журналистлар билан баҳам кўришиб, доно маслаҳатларини аяшмайди.

Ўзбекистон ҳукумати томонидан рўзноманинг 70 йиллик тўйини нишонлаш тўғрисида қабул қилинган қарор жамоамизни яна ҳам ғайрат билан меҳнат қилишга, мамлакатимиз халқлари дўстлигини мустаҳкамлаш борасида қўлга киритилаётган ютуқларни кенг ёритишга рағбатлантирди. Жамоамиз халқлар дўстлигини куйлаш, янги ташаббусларни ёйиш ва халқларимизни ягона Ватан туйғуси билан тарбиялашдек муҳим вазифани бажаришда билим-кўникмаларини, ғайрат-шижоатларини бундан кейин ҳам сарфлайверадилар.

Т. ОЛИМБОЕВ,
"Овози тожик" газетасининг бўлим мудири.

Суратда: газета таҳрир ҳайъати аъзолари.

Одобнома

Ғуломиддин АКБАРЗОДА

ТАЪЛИМИ СОНИЙ

САККИЗИНЧИ ТИМСОЛ

БИР БОЛА ИЛА ЧАЙОН

Бир бола ўйнаб човиртка тутуб йўруб эди. Бир ерда бир чайон йотиб эди. Ул бола ул чайонни човиртка гумон қилиб қўл узатиб туриб диққат ила қараб чайон эканин билиб қўлини торгди. Чайон: "Агар мани қўлингга олсанг эди, гумонимча, бу дунёда қўлингга асло ҳеч нима олмас эдинг", деди.

Маъноси: ҳар ким ҳар иш қилмакда аввал хўб ўйлаб, кейин қилса, кўб фойда топар.

Байт:
Ҳар иш қилмакда фикр этгилки, фикринг санга ҳамдамдир.
Кима сўзлашда фикр этгилки, фикринг санга ҳамдамдир,
Санга нафъ еткарур ўғлон бу фикринг санга ҳамдамдир.
Етар илм давлати санга, бу фикринг санга ҳамдамдир.

ТЎҚҚИЗИНЧИ ТИМСОЛ

БИР БОЛА ИЛА ОДАМ

Бир бола катта сувга тушуб чўмилмакчи бўлди. Ўзи сузмакни билмас эди. Сувнинг ўртасига бориб чўкмакка бошлади. Бир одам ул болани ҳолини кўриб қутқармакка ўзини сувга ташлаб ул болани ушлади. Ул одам болага: сузмакни билмасанг, нимага бул сувга тушарсан деди. Ул бола: эй, жон ота, аввал мани сув ҳалокатидан қутқаринг: кейин койирсиз деди.

Маъноси: ҳар кишининг бошига ҳар қаттиғ иш тушкан вақтда ул кишини маломат қилмак ақллиг кишининг иши эмасдур.

Байт: Кишининг бошига бир қаттиғ иш тушканда, эй, оқил,
Иложини топмайин атрофга кўз солганда, эй, оқил,
Тараҳҳум бирла ҳамдам бўл дилин олмакда, эй, оқил,
Тилингни сақла жоним қутқарур бўлмакда, эй, оқил.

ЎНИНЧИ ТИМСОЛ

БИР ҚЎЙУН ИЛА ЙЎЛБАРС ХОТУНИ

Бир қўйун бир нечта болалари ила бир сабзаворда тамошолар қилиб йуруб эди. Бир йўлбарс хотуни келиб қўйуннинг болаларини кўруб яхши сўзлар ила суйуб сўзларди. Ул қўйун ул йўлбарсга: "ман шунча кичкиналигим ила бир йил ичида қанча бола туғарман. Сан шу қадар катта бўлсанг ҳам умрингда бир йо икки бола туғарсан", деб таъна қилди. Йўлбарс хотуни: "ман умримда бир йо икки бола туғсам ҳам йўлбарс бўлур. Санинг болангдек ҳеч нимага ярамайдурғон бўлмас", деди.

Маъноси: ақллиг, илмлиг биргина бола, ақлсиз, илмсиз боладан яхшидир.
Байт: Ҳайотинг борича илм-у тавозиъ конидир мактаб,
Вужудинг нур-гавҳар этмакка нур конидир мактаб.
Тавозиъ бирла илминг бўлса яхшисан айо, ўғлон,
Маорифсиз минг ўғландан ўқув-нур конидир мактаб.

(Боши ўтган сонларда. Давоми бор)

Республика ўқув-методика маркази маъмурияти ва касаба уюшмаси марказ етакчи мутахассиси Комила Абдураимовага опаси

Ҳамидахон АКБАРОВА

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, "Меҳнат резервлари" Кўнгилли спорт жамияти Марказий кенгаши етакчи спортчи, хизмат кўрсатган спорт устаси Зайцев Виктор Леонидовичга отаси

Леонид ЗАЙЦЕВ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«МАЪРИФАТ»

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ.

Таҳрир ҳайъати: Умида АБДУАЗИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари, илова учун масъул), Алишер КАРИМОВ, Ғафур МАННОПОВ, Абдулла ОРИПОВ, Тотлимурод ОТАМУРОДОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (масъул котиб), Маҳкам РАҲМОНОВ, Маҳмуд САИДАҲМЕДОВ, Баҳром ҚОДИРОВ, Бегали ҚОСИМОВ, Абдунаби ҲАЙДАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.

Факт ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Абдусами Ҳақбердиев, Зубайда Усмонова.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.—1199. 47894 нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қогоз бичими А-2 Босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 21.10. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6